

Ўзбекистон умумий амалиёт врачлари ахборотномаси

Бош муҳаррир:
Касимов Ш.З.

Таҳрир ҳайъати:
Абдурахимов З.А.
Ахмедов Х.С.
Жалекеева П.А.
Зоҳидова М.З.
Мавлянова Д.А.
Миразимов Д.Б.
Назарова Г.У.
Нармуҳамедова Н.А.
Рустамова М.Т.
Садирова М.А.
(масъул котиб)
Фузайлов Ф.З.
Шомансурова Э.А.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: 02-00129.
Таҳририят манзили:
100007, Тошкент шаҳри,
Паркент кўчаси, 51- уй.
УАШ малакасини ошириш кафедраси
Тел./факс: 268-16-29, 268-08-17
E-mail: uzgp@infonet.uz
info@avuz.uz

ISSN 2181-4864

Тошкент
2011 йил

Кириш сўзи

Ҳомиладорлик ва туғруқлар асоратидан ҳар куни дунёда 1500 аёл оламдан кўз юмиб, тарк этади. Бундай холатларни кўпчилиги ривожланаётган мамлакатларга тӯғри келади.

Оналики мухофаза қилиш 2000 йилда БМТнинг Халқаро уюшмалар томонидан қабул қилинган Мингийиллик Ривожланишнинг саккизта мақсадларидан биридир.

Мингийиллик Ривожланишнинг бешинчи мақсади 1990-2015 йиллар давомида оналар ўлимини $\frac{3}{4}$ га камайтиришга қаратилган. Аёлларнинг ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврдаги ўлимига жуда кўп бевосита ва билвосита сабаблар олиб келиши мумкин. Дунёда 80% холатларда ўлим бевосита сабаблар оқибатида вужудга келади. Асосий тўртта сабаблардан, булар кучли қон кетишлар (асосан туғруқдан кейин), инфекция (сепсис), гипертензив ўзгаришлар (одатда эклампсия) ва охирлашган туғруқлар. Оналар ўлимини 13 % холатларда хафвли abortlar асорати натижасида руй беради.

Билвосита оналар ўлимига (20%) юрак қон томир касалликлари, ОИВ/ОИТС, анемия, малярия каби касалликлар билан асоратланган ҳомиладорлик сабаб бўлиши мумкин.

Оналар ўлимини кўпчилигини маълум сабабларини бартараф этиш орқали олдини олиш мумкин. Аёлнинг хаёти туғруқ давридаги кўрсатилаётган малакали ёрдамга боғлиқдир. Масалан: туғруқнинг учинчи стадиясидаги 2 соатли кучли қон кетишдан соғлом аёл хам ўлиб қолиши мумкин. Туғруқдан кейингидаврда дархол қилинган окситоцин инъекцияси қон кетиш хавфини самарали камайтиради.

Асептика техникасига риоя қилинганда иккинчи ўриндаги оналар ўлимига сабаб бўлувчи сепсис ривожи анчага камайиш эҳтимоли булади. Ўлимга олиб келувчи учинчи сабаблардан бири эклампсия, ҳомиладорлик даврида кенг тарқалган, лекин шу билан бирга уни назоратга олиш мумкин. Туғруққача преэклампсияни тулиқ даволаб бўлмаса да, магний сульфат каби дори воситалари билан ўлимга сабаб бўлувчи конвульсия (тутқаноқ) ривожланиш хавфини олдини олиш имконини беради.

Яна бир ўлимга сабаб бўлувчи омиллардан бири асоратланган охирлашган туғруқларни малакали тиббий ёрдам кўрсатиб, назорат остида олиб боришидир. Оғирлашган туғруқлар ҳомилани аномал жойлашишида, бошини ўлчамлари онани тос ўлчамларидан катта бўлган холатларда руй бериши мумкин. Сабабларни эрта аниқлашни оддий инструменти бу партограмма, яъни хомила ва онани холатини ва туғруқ кечишини акс эттирувчи графиги хисобланади.

Малакали тиббий ходимлар партограммадан фойдаланиб, секин кечувчи туғруқ ва керакли чораларни оғирлашган туғруқ юзага келишидан аввалдан аниқлаш имконини беради. Аёлларга туғруқдан олдин, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврида тегишли ёрдам кўрсатилмасликни сабаблари бор. Узок туманларда керакли мутахассисини йуқлиги ёки мутахассис булса хам малакали ёрдам йуқлиги асосий сабаб бўлиши мумкин. Бошқа холатларда аёл тиббий муассасаларга етиб бориши учун транспорт воситаларни йуқлиги, бошқа бир сабаблардан маънавий тубанлик ёки аёлнинг ижтимоий холати керакли тиббий ёрдамни ўз вақтида олишга қаршилик килади.

Оналики мухофаза қилишни яхшилаш борасида мавжуд тўсикларни енгиб, тиббий хизмат сифатини ошириш керак. Соғликни сақлаш вазирлигини фаолияти ҳомиладорлик ва туғруқларни олиб бориш интеграция принципларига асосланган булиб, бу йуналиш асосан ҳомиладор аёлларга юқори малакали тиббий-санитария хизматини янада яхшилашга қаратилган. Шу билан бирга соғликни сақлаш вазирлиги сифатли антенатал ёрдамни кўрсатишни кенгайтириш борасида жамоатчилик, оиласалар, алохида шахсларни жалб қилиниши қўллаб қуватлайди.

Республика акушер ва гинекология институти директории. Соғлик саклаш вазирликни акушер-гинекология буйича бош мутахассиси профессор Султанов Саид Носирович

Давоми. Бошланиши олдинги номерда.

МАХСУС СКРИНИНГ ТЕКШИРИШЛАРИ

Скрининг ва гематологик патологияни аниқлаш

Камқонлик



Бутун дунёдаги аёлларда учрайдиган камқонликнинг кенг тарқалган тури, темир етишмовчилик камқонлиги ҳисобланади. Ҳомиладорлик даврида, йўлдош ривожланиши, ҳомила ўсиши шунингдек ҳомиладор аёлнинг эритроцитлар массаси ортиши тўфайли, бу микроэлементга бўлган талаб ортади. Талаб ошган сари, темирнинг сўрилиши ҳам ортади. Ҳомиладорлик даврида зардоб ҳажми меъёрда 50%гача, эритроцитлар микдори -20% гача ортади.

Шундай қилиб гемоглобин концентрацияси пасаяди. Тананинг бунақа меъёрий ўзгариши натижасида, темир етишмовчилик камқонлиги ривожланади.

Соғлом ҳомиладорда, меъёрий гемоглобин микдори 110-120 г/л кам бўлмаслиги керак деб қабул қилинган. Гемоглобин микдори жуда кўп ёки кам бўлганда ҳомиладорлик ва туғруқ натижаларининг салбий тугаш хавфи ортиши кузатилиши мумкин.

Камқонликнинг этиологик факторларининг тури ҳар хил (ўроқсимон-хужайрали камқонлик, талассемия, темир етишмовчилиги) бўлганлиги сабабли, фақат гемоглобин микдорига асосланган ташхис, ҳақиқий ҳисобланмаслигини билиш лозим. Бироқ, амалиётда айнан шу ёндашув қўлланилади, гарчи маҳсус ҳолатлар учун, камқонлик сабабини аниқлашда, ишончли бўлган кўрсаткич – зардоб ферритинининг микдорини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Антенатал парвариш давомида, иложи борича ҳомиладорликнинг эрта даврларда скрининг ўtkазиш ва камқонликни аниқлаш лозим. Гемоглобин микдорини аниқлашнинг энг қулай вақти, биринчи антенатал ташриф вақтида, шунингдек, ҳомиладорликнинг 28 хафтаси ҳисобланади. Агар, гемоглобин микдори биринчи антенатал ташриф вақтида 110 г/л ва ҳомиладорликнинг 28 хафталигига 105 г/лдан кам бўлса, темир тутувчи дори дармонлар тавсия қилиниши лозим. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бизнинг мамлакатимизда амал қиладиган бўйруқларга асосан, камқонлик бўйича скрининг биринчи антенатал ташриф вақтида, шунингдек ҳомиладорликнинг 36 хафталигига ўтказилади.

Она ва бола ўртасидаги иммунологик номутаносиблик

Ҳомиладор аёлда резус-изоиммунизациянинг бўлиши, ҳомила ва янги туғилган чақалоқда гемолитик касаллик ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. 1970 йилларгача, перинатал ўлимнинг, кейинги ногиронлик билан тугайдиган (ақл идрок заарланишига) неонатал касалликларнинг асосий сабабчиси, шу патология ҳисобланган. 70 йилларнинг бошида, анти Д гамма глобулин тадбиқ қилиниши ва амалиётда қўлланилиши бошлангач, резус-иммунизациянинг оғир шакллари кам учрайдиган бўлди. Оилада, боланинг ўртача сони камайтирилиши ҳам, бу кўрсаткичнинг паст бўлишига олиб келган бўлиши мумкин.

Резус манфий аёлларда, боласининг резус-фактори мусбат ёки қанақадир сабабларга кўра, қон мансублигидан қатъий назар резуси аниқлаб бўлмайдиган ҳолатларда, туғруқдан кейинги касалликнинг олдини олиш чора тадбирлари, аёл туққанидан сўнг 72 соат мобайнида анти-Д иммуноглобулини тавсия қилиш киради. Шунингдек, Анти-Д иммуноглобулин, онадан болага қон трансфузиясининг юқори хавфи бўлса, ҳомиладорлик даврида резуси манфий бўлган барча аёлларга ҳам тавсия қилиниши лозим.

Иммунизацияланмаган резус-манфий мижозларга ҳомила-она тарансфузияси хавфи юқори бўлгандা, анти-Д иммуноглобулинини тавсия қилишдан олдин, муолажалар ўтказилиши лозим. Бу муолажаларга хорион, йўлдош биопсияси, амниоцентез, кордоцентез, шунингдек ҳомила думба билан келганда ҳомиланинг ташқарига бурилишлари киради.

Ҳомила – она трансфузияси аёлларда изоиммунизацияга олиб келиши мумкин, агар: бола олдириш ёки ўз-ўзидан бола тушиши кузатилганда анти-Д иммуноглобулин тавсия қилинмаган бўлса. Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида ўз-ўзидан бола тушиши бўлганда 6-7% ҳолатларда ҳомила-она трансфузияси кузатилади. Иккинчи триместрда бу кўрсаткич 20 ва ундан юқори фоизларни кўрсатади.

Бундан ташқари ҳомила-она трансфузиясига абдоминал шикастлар, ҳомиланинг олдин келиши, йўлдошнинг кўчиши, акушерлик кўрсатмаларига асосан бажарилган кесар кесиш амалиёти ёки ҳар қандай бачадондан қон кетишлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ҳомила-она трансфузияси аниқ бир сабабларсиз ҳам ривожланиши мумкин. Ҳомиладорлик ёки туғруқ даврида ҳомиланинг тушунтириб бўлмайдиган ўлимни ёки камқон боланинг асфиксия ҳолатида туғилиши, ҳар доим, бўлиши мумкин бўлган сезиларли ҳомила-она трансфузияси хақида ўйлаш кераклигига йуналтиради.

Ҳомиладорликнинг эрта даврларида ҳамма аёлларнинг қон гурухи ва резус фактори аниқланиши лозим. Резуси манфий бўлган аёлларни, кейин қонда резус-антителалар борлигига текширилишилари керак.

Онада антителалар аниқланганда, ҳомила қонида керакли антигенлар бўлмаганда шикастланиш хаввидан дарак беради, бироқ, шу билан бирга унинг борлигини айтмайди.

Антителалар титр даражаси чақалоқлар гемолитик касаллигининг оғирлиги ёки борлигини аниқламайди, гарчи, биринчи ҳомиладорликда антителалар титр даражаси ва чақалоқ заарланиш ўртасида сезиларли ўзаро боғланишлар мавжуд. Ҳомила заарланиш оғирлигига нисбатан асосий қимматли кўрсаткич бўлиб, акушерлик анамнезида антителаларнинг титр кўрсаткичларининг қиёсий натижалари борлиги ҳисобланади ва бу, ушбу ҳомиладорликда гемолитик заарланиш даражасини аниқ баҳолаш имконини беради.

Ҳомила ривожланишининг туғма нуқсонлари скрининги

Ҳомила тузилиши нуқсонларини аниқлашга қаратилган скрининг тестларига тиббий-генетик маслаҳат, ультратовушли сканерлаш, она қони зардобининг таҳлили, хромосома тўпламининг (хорион биопсияси, цитогенетик усуллар) таҳлили.

Бу тестларни ўтказишдан мақсадларга қуидагилар киради:

- ҳаёт билан мувофиқ келмайдиган нуқсонлар

- оғир саматик ва рухий патология, бир умрлик ногиронлик ва меҳнатга яроқсизликка олиб келувчи нүқсонлар
- ҳомила ичи даврида, даволаса бўладиган ҳомила ҳолати
- туғруқдан кейин, тиббий аралашув ёки қўшимча текширишни талаб қиласидиган ҳомила ҳолати

Ҳомила патологиясини аниқлаш тадбирлари ҳомиладорлик, туғруқ даврининг, шунингдек мижозларга репродуктив эркинликни танлашни тақдим қиласидиган аниқ режали ҳаракатларни ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Ўтказилган тестларнинг натижалари мижозларга содда, оддий шаклда тушунтирилиши керак. Шифокор томонидан қайд қилинган ёзувлар мақсадларни, иложи бўлса ўтказиладиган тестларни батафсил тушунтириши лозим (масалан, ультратовуш сканерлаш қўлланилганида, қайси тузилмалар нима учун текширилиши тушунтирилиши керак). Бундан ташқари, ушбу усулдан фойдаланганда, мусбат ва манфий хато учраш тезлигини, шунингдек, мусбат ёки манфий натижалар олинадиган ҳолатларда кейинчалик ўтказиладиган тадбирлар кўрсатилиши керак.

Тиббий – генетик маслаҳат бериш

Тиббий-генетик маслаҳат бериш, антенатал ёрдам кўрсатиш тизимининг асосий таркибий қисмига айланиб бормоқда. Пренатал ташхисланадиган ирсий касалликлар сони, молекуляр генетикадаги муваффақиятлар туфайли, қундан кунга ортиб боряпти.

Ҳомила ҳолатини пренатал текширишдан олдин, мижоз билан тўлақонли маслаҳат ўтказиш муҳим, шу билан бирга, туғма патология бўлиш хавф даражасини баҳолаш асосий вазифа ҳисобланади.

Пренатал скрининг ўтказиш қарорини қабул қилиш ва танлаш ҳамда унга боғлиқ бўлган кейинги аралашувлар, боланинг бўлажак ота-онаси учун афзал бўлиши керак. Бу танлов келиб чиқсан ҳолатлар, барча яширин бўлган салбий оқибатлар ва бўлиши мумкин бўлган пренатал диагностиканинг ижобий натижалари асосида бўлиши лозим. Шунинг учун, ҳар бир скрининг дастурини ўтказишда, аёл ва унинг қариндошлари ҳолатни тўғри тушуниши ва керакли қарорни қабул қилиши учун, мижозга маслаҳат бериш мақсадида керакли вақт ажратилиши керак.



Ультратовуш текширишлари

Ҳомиланинг туғма ва наслий касалликларини аниқлаш мақсадида ультратовуш текширишидан уч йўналишда фойдаланиш мумкин:

-Ҳомила туғма патологияларининг маркерлари ва ривожланишини бевосита кўриш учун;

-Инвазив бачадон ичи диагностик аралашувларини таъминлаш учун (масалан, амниоцентез ва хорионбиопсия);

- ҳомиладорлик муддати хақидаги аниқ маълумотларни талаб қиласидиган бошқа тестлардан унумли фойдаланиш имконини берадиган фетометрия ўтказиш учун.

Ҳозирги кунда ҳомиланинг ривожланиш нуқсонлари, кўп ҳолатларда ультратовуш текшириш ёрдамида аниқланмоқда. Анэнцефалия каби нуқсонлар диагностикаси, бошқа нуқсонларга (юракнинг айрим нуқсонлари) нисбатан қийинчиликлар туғдирмайди. Битта нуқсонни аниқлаш, бошқа нуқсонлар ва/ёки хромосом анамолиялар борлигига шубҳа туғдиради. Кўпинча ҳомила ривожланишининг одатий четга чиқиши нуқсон бўлмайди, аммо қанақадир хромосом бузилишлар борлигидан далолат беради. Усулнинг диагностик аниқлик даражаси қўйидагиларга кўра ўзгариб туради:

- патология тури
- гестацион муддати
- текшириш ўтказадиган мутахассис қўнималари
- фойдаланиладиган асбоб сифати
- текшириш ўтказиш учун ажратилган вақт

Бундан ташқари, ҳомила тузилиши нуқсонларининг скринингини ўтказадиган мутахассислар, ўтказиладиган текширишларнинг доимий назорат сифатига муҳтож бўладилар. Бунинг энг яхши усули, текшириш ўтказгандан кейин туғилган болаларнинг соғлиғи хақида маълумотлар йиғиш ҳисобланади.

Ультратовуш сканеридан фойдаланиш, перинатал ўлим кўрсаткичининг пасайиш факторига кириши мумкин, агар, ҳомила ривожланишида оғир нуқсонлар аниқлангандан сўнг, ота-оналар ҳомиладорликни тўхтатиш қарорига келсалар.

Ҳомилада яшашга мувофиқ бўлмаган ривожланиш нуқсонлари аниқланганда кўпчилик оила жуфтликлари учун ҳомиладорликни тўхтатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу нуқсонларга, анэнцефалия ёки оғир ногиронликка сабаб бўладиган нуқсонлар, яъни орқа мия чурраси ва оғир гидроцфалияларни бирга келиши киради. Қарор қабул қилишда қийинчиликлар юз бериши мумкин, қачонки аниқланган нуқсонлар аниқ оқибатларга эга бўлмаса ёки ҳолатни шарҳлашда хатоликлар бўлса.

Бунақа ҳолатларда, асоссиз аралашувлар ва тиббий ходимлар хатоси туфайли рўй берадиган постнатал муаммолар бўлмаслиги учун, ҳамкор мутахассислик маслаҳатларидан фойдаланиш лозим.

Ҳомилада ривожланиш нуқсонини аниқлаш, ҳомиладорликни албатта тўхтатиш учун, кўрсатма бўлмайди. Аниқ ташхис аниқланиши, бўлажак ота-оналарни туғиладиган боланинг ривожланишида ўзгаришлар борлигига олдиндан тайёрлайди.

Бироқ, айрим ҳолатларда, оиласа ушбу ҳолатни уddeлаш ва бўлажак болани парвариш қилиш режаларини ишлаб чиқиш учун, малакали мутахассис маслаҳати керак бўлиши мумкин. Ҳомила ривожланиши нуқсони бўйича беғараз ва тахминларга асосланмаган маслаҳат учун, шахсий ҳамдардлик, ҳамда амалда кўллаб кувватлашни кўрсата оладиган инсонларнинг қатнашиши талаб қилинади.

Ҳомиладорликнинг 20 ҳафталик муддатида ўтказиладиган ультратовуш текширишининг энг кам стандартларига қўйидагилар кириши лозим:

- ҳомила бошининг шакли ва ўлчами ҳамда бош суяги бушлигининг тузилиши (cavum pellucidum, cerebellum, atrium < 10 mm соҳасида қоринчалар ўлчами)
- орқа мияни бўйлама ва кўндаланг сканерлаш
- қорин шакли ва буйрак ҳамда киндик сатҳида жойлашган тузилмаларнинг таърифи
- қорин шакли ва ошқозон сатҳидаги тузилмаларнинг таърифи
- буйракнинг олдинги орқа ўлчамини ўлчаш

- қорин бўшлигини узунасига сканерлаш (диафрагма ва сийдик пуфаги)
- юракнинг тўртта бўлимини кўрсатадиган қўкрак бўшлифи
- юракдан чиқадиган катта томирлар
- юз ва лаб
- қўл соҳаси: бармоқлардан ташқари учта асосий суюклар
- оёқ соҳаси: бармоқлардан ташқари учта асосий суюклар, кафт суюги

Даун синдроми скрининги

Даун синдроми, ёки 21 жуфт хромосоманинг тугма патологияси ҳисобланади. Даун синдромининг учраш тезлиги сезиларли юқори. Касаллик асосан, ақлий ривожланишдан орқада қолиш, юрак-қон томир тизимида тугма нуқсонлар, лейкемия, қалқонсимон безлар касаллиги,

Даун синдроми скринингини ўтказишнинг биринчи қадами бўлиб, аёлга касаллик, текшириш усувлари хақида тўлиқ маълумот бериш киради, мақсад, аёл текшириш ўтказиш қарорини ўзи қабул қилишига қаратилган.

Даун синдроми скрининги ҳомиладорликнинг биринчи ёки иккинчи триместрида, ҳар хил усувлар орқали ўтказилиши мумкин.

Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида ультратовуш орқали ҳомила умурткаси ва бўйин тери ости клетчаткасининг масофаси ўлчанади. Бу усуслан хавф гуруҳидаги аёлларда, ҳомиладорлик муддати 10-14 хафталик бўлганда фойдаланилади. Бу усуслан, айрим ҳолатларда патологиянинг зардобли маркерларига тест ўтказмасдан фойдаланиш мумкин: ХГ (гармоннинг эркин бетабирлиги ва умумий миқдори) ва ҳомиладорликка боғлиқ бўлган PAPP-A оқсили (аралаш тестга кирадиган). Патологияни аниқлашда бу тестдан ҳомиладорликнинг иккинчи триместрида фойдаланиш маъқул, гарчи, Даун синдроми ташхисини кўйишида, тестнинг сезгирилик даражаси ягона текшириш усули бўлиб ҳисобланмайди.

Иккинчи триместрнинг эрта даврларида, ҳомиладорликнинг 15-16 хафталигига биохимик маркерлардан фойдаланиб текшириш ўтказиш мумкин.

Даун синдромининг биохимик маркерларига киради: алфа-фетопротеин, конъюгиранмаган эстриол, димер ингибин А.

Ҳозирги кунда Даун синдроми скрининги учун, ҳомиладорликнинг биринчи триместрида бир қанча мультимаркер тестлар, шунингдек зардобли маркерларнинг аралаш усувлари ва ультратовуш текшириши (1-2 триместрларда) қўлланилади.

Бу тестларга киради:

- «аралаш тест»- измерение уровней PAPP-A, ХГ миқдорини ва ҳомила умурткаси ва бўйин тери ости клетчаткасининг (бурмаси) масофаси ўлчаш



тутқаноқ,
Альцгеймер касаллиги
каби кечиши мумкин.

Даун синдромининг пайдо бўлишида аёлнинг ёши катта аҳамиятга эга. Ушбу патология билан бола туғиши имконияти 1:1440 20 ёшли аёлларда, 1: 338 35 ёшли аёлларда ва 45 ёшли аёлларда 1:32.

- «икки таркибли тест»- ҳомила муддати 14-20 хафталик бўлганда ХГ, зардобда альфа-фетопротеинни ўлчаш
- «уч таркибли тест»- ХГ, альфа-фетопротеин, конъюгиранмаган эстриол миқдорини ўлчаш
- «тўрт таркибли тест»- ХГ, альфа-фетопротеин, конъюгиранмаган эстриол, ингибин А миқдорини ўлчаш
- «жамланган тест»- ҳомиладорликнинг 10-12 хафталигига, ҳомила умуртқаси ва бўйин тери ости клетчаткасининг (бурмаси) масофаси ўлчаш, PAPP-A миқдорини аниқлаш, кейинчалик ҳомила муддати 14-20 хафталик бўлганда ХГ, альфа-фетопротеин, конъюгиранмаган эстриол, ингибин А миқдорини ўлчаш
- «зардобли жамланган тест» жамланган тест каби, факат ҳомила умуртқаси ва бўйин тери ости клетчаткасининг (бурмаси) масофаси ўлчанмайди.

Шунга қарамай, даун синдроми ташхисий текширилишининг олтин стандарти бўлиб, кариотиплаш мақсадида инвазив текширишларни ўтказиши киради. Бунақа текширишлар айrim асоратлар битлан кечишини унутмаслик керак. Асосий асорат бўлиб ҳомиладорликни тухтатиб қўйиш ҳисобланади.

Даун синдроми текширишлари ўтказилгач, онанинг ёши, текшириш ўтказилган гестация муддати, шунингдек биохимик маркерлар миқдори ҳисобга олинган ҳолда эҳтимолий ташхис ҳақида тахмин қилинади. Скрининг натижалари мусбат, Даун синдроми юқори ҳисобланиши мумкин, қачонки ушбу ҳудуд учун ишлаб чиқилган ўртacha миқдордан, текширишлар кўрсаткичининг йифиндиси баланд бўлса. Скрининг натижалари Даун синдромининг эҳтимолий ташхисини кўрсатиш мақсадида сон эквивалентида ифодаланади (масалан, ҳомиладор аёлда даун синдроми билан бола туғиши эҳтимоли 1/250). Скрининг натижалари мусбат бўлганда, аёлга тўлиқ текширишдан ўтиш тавсия қилинади (амниоцентез ўтказиш).

Даун синдромининг пайдо бўлиш эҳтимолининг ўртacha сони аниқланганда, ушбу муддатларда генетик патология рўй берган ҳомиладорликнинг айrim қисмида, ўз-ўзидан ҳомиладорликнинг тўхтатилишини ҳисобга олиш лозим. Шундай қилиб, тўлиқ ҳомиладорликка нисбатан гестациянинг эрта муддатларида аниқланган патологиянинг сони юқори бўлиши мумкин. Бу ушбу ҳудуднинг ўртacha кўрсаткичлари ва аёлни юқори хавф гурухига киритилишига таъсир кўрсатади.

Зардобли альфа-фетопротеин

Қайси популяцияда асаб найчасининг нуксони кўп учраса, ўша жойда зардобли альфа-фетопротенини скрининг усулида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. 10 000 та тирик туғилган болада тахминан 7,2-15,6 ҳолатларда асаб найчасининг нуксони учрайди ва бир қанча белгилар, spina bifida нинг сезилмас ҳолатларидан менингомиелоцеле ва анэнцефолия (бачадондан ташқари ҳолатларда яшаш қобилияти йўқ) каби оғир ҳолатларгача учраши кузатилади. Ҳомила асаб найчасининг очиқ нуксонлари бўлганда, 80% ҳолатларда онанинг зардобли альфа-протеин миқдори қўпаяди. Бу зардобли альфа-протеин миқдори юқори бўлишига бошқа аномалиялар, масалан қорин олдинги деворининг очиқ нуксонлари ҳам сабаб бўлиши мумкин. Bifida ҳолатларида, онада MSAFP миқдори ўртacha кўрсаткичлардан тўрт марта кўп бўлади, анэнцефалиядаги эса бу кўрсаткич деярли етти мартага ортади.

Агар тест натижалари қонда зардобли альфа-протеин миқдори кўплигини аниқласа, она тўлиқ ультратовуш текширишидан ёки амниоцин滋味дан ўтиши

лозим. Амниотик суюқлиқда зардобли альфа-протеин миқдорини текшириш, асаб найчаси нұқсонлари диагностикаси учун сезгир усул ҳисобланади. Юқори малакали ультратовуш текшириши мавжуд бўлган ҳолатларда, амниоцентез ўтказиш мақсадга мувофиқ эмаслигини айтиб ўтиш лозим.

Фолат кислотасини 0,4 мгдан кўпроқ миқдорини ҳомиладор бўлишдан камида 4 хафта олдин ва ҳомиладорликнинг биринчи 6 хафталигида тавсия қилинганда, асаб найчаси нұқсонларининг пайдо бўлиш эҳтимолини сезиларли камайиши билан боғлашади. Асаб найчаси нұқсони билан бола кўрган аёлларда, фолат кислотасини катта миқдорларда (4 мг) тавсия қилиниши, касаллик қайталаниш даражасини анча пасайтиради.

ҲОМИЛАДОРЛИКДАГИ ИНФЕКЦИЯЛИ АСОРАТЛАР

Яқин ўтган кунларгача ҳомиладорликдаги инфекциялар асорати, оналар ва перинатал ўлимнинг асосий сабабчиси эди. Ҳозирги кунда бактериал инфекция туфайли оналар ўлими жуда кам кузатилади. Ҳомиладорлик даврида инфекцияли касалликларни бактериялар, замбурууглар, вируслар ва бир хужайрали ҳайвонлар чақириши мумкин.

Кандидоз

Вагинал кандидоз (молочница) ҳомиладорлик даврида тез-тез учрайдиган касаллик ҳисобланади. Одатий белгиларига қин орқали кўп миқдорда безовталиқ чақиравчи ажралмаларнинг ажралиши ва қичишиш ҳиссининг пайдо бўлиши киради. Ҳомиладор аёлларда кандидоз 2-10 марта кўп учрайди ва даволанишга қийин берилади. Касаллик, одатда туғруқдан сўнг ўз-ўзидан ўтиб кетади.

Текшириш ўтказилганида кичик уятли лаблар, қинга кириш соҳаси ва қиннинг пастки уч қисмидаги шиллик қаватларда гиперемия аниқланади. Касалликнинг ўзига хос белгиси бўлиб, қин ва эктоцервиксда оқ-кулранг қатламнинг пайдо бўлиши ҳисобланади. Бу қатламлар нуқта-нуқта ёки каттароқ (3-5мм) бўлиб, улар думалоқ ёки нотўғри кўринишли шаклларда, алоҳида-алоҳида ёки бир-бирининг устида жойлашган бўлиши мумкин.

Қатъий ташхис лаборатор текширишлардан сўнг қўйилиши мумкин.

Туғма кандидоз кам вазн билан туғилган чақалоқларда кузатилиши мумкин ва зотилжам, тери инфекцияси билан бирга кўшилиб келиш эҳтимоли бор. Бироқ, бу инфекциялар ҳомиладорлардаги вагинал кандидозга нисбатан кам учрайди. Белгиларсиз кечадиган кандидоздан азият чекадиган оналардан туғилган болаларда ёмон таъсирлар сезилмас бўлгани учун, кандидамикоз скрининги асосланмаган.

Симптоматик вагинал кандидозни даволашда, имидазол қаторидаги (масалан, клотrimазол) маҳаллий дорилар билан 7 кун давомида даво ўтказилиши тасия қилинади, бу дорилар нистатинга нисбатан самаралилиги катта эканлиги исботланган. Касаллик қайта пайдо бўлиши мумкинлиги сабабли, такрорий даво ўтказилиши талаб қилиниши мумкин. Кандидоз белгиларсиз кечганда, уни даволаш учун ҳеч қанақа кўрсатмалар йўқ.

Ҳозирги кунда оғиз орқали замбурурга қарши дорилар (масалан флуконазол) ҳам кенг қўлланилмоқда. Назарий томондан бу дори-дармонлар, маҳаллий дориларга нисбатан самарали бўлиши мумкин, чунки улар ичак микроорганизмларига ҳам таъсир кўрсатадилар. Бироқ, ҳомиладорликда бу даво усулининг самараси етарли ўрганилмаган ва шунинг учун ҳомиладорларга тавсия қилиниши мумкин эмас.

Трихомоноз

Трихомоноз вагинит, жинсий йўллар орқали юқадиган касаллик ҳисобланади. ЖССТ маълумотларига кўра (1994й), ҳар йили жаҳондаги 120 миллионга яқин аёллар *Trichomonas vaginalis* билан касалланар эканлар. Касаллик қиндан яшил-сариқ кўпиксимон ажralмалар келиши, диспареуния, оралиқ соҳасида қичишиш ва оғриқ билан кечадиган вульва ва уретрадаги безовталик билан кечади. Яшил кўпиксимон ажralмаларнинг келиши, айrim аёллардагина кузатилишини унутмаслик лозим.

50% гача аёллар трихомонада касаллигини тарқатувчиси ҳисобланиб, уларда ҳеч қанақа клиник белгилар кузатилмайди.

Қиндаги нам суртмани микроскопда текшириш арzon ва юқори маълумот берувчи ҳисобланади, бироқ культура (экиш) усулига нисбатан, факат 50%га касаллик тарқатувчисининг аниқланишига сезгир.

Қин ажralмасини дорига сезгирлигини аниқлаш мақсадида, натрий хлорнинг изотоник эритмасида суюлтирилган томчини микроскап остида дарҳол кўриш лозим. Ажralманинг совуб қолиши, касаллик тарқатувчисининг тўлқинсимон ҳаракати йўқотилишига олиб келади, бу эса уни аниқлашда қийинчиликларга сабаб бўлади.

Трихомонозни экиш орқали текшириш усули энг самарали усуллардан биттаси ҳисобланади, бироқ кўп меҳнат, вақт талаб қиласи ҳамда сезиларли қиммат усулга киради.

Ҳозирги кунда трихомонада инфекциясининг ҳомиладорлик натижасига таъсири тўлиқ аниқ эмас, бироқ, қин шиллик қавати бутунлиги бузилганлиги учун, ОИВ вируси юқиш хавфининг юқори бўлишида қўшимча фактор сифатида хизмат қилиши ҳақида тахминлар мавжуд. Бошқа томонлама, вагинитда қин шиллик қавати бутунлигини бузувчи маҳсус касаллик қўзғатувчисининг ажralиши қийин, чунки бу патология қўпинча микроблар асоциацияси туфайли ҳам келиб чиқади.

Trichomonas vaginalis касаллигини даволашда, метронидазол юқори самарали восита ҳисобланади. 2 граммга teng бўлган бир марталик миқдор 90% аёлларга фойда беради. Ҳомиладор аёлнинг жинсий шериги ҳам бир вақтда даволаниши лозим. Тинидазол, орнидазол, ниморазол ва нитрамидазол гуруҳидаги бошқа дорилар ҳам трихомонада касаллигини даволашда юқори самарали ҳиобланади.

Шу билан бирга ҳомиладорликнинг биринчи триместрида метронидазолни тавсия қиласлик лозим. Гестациянинг эрта даврларида трихамоноз касаллигини даволаш учун клотримазол тавсия қилиниши мумкин.

Trichomonas vaginalis жинсий йўл орқали юқадиган ва ҳомилага ёмон таъсир кўрсатадиган бошқа микроблар билан бирга келгани учун, трихомонадани аниқлашда аниқ мақсад билан ЖЙОЮК қўзғатувчиларини фош қилиш лозим.

Бактериал вагиноз

Бактериал вагиноз қин инфекцияси бўлиб, кўп миқдорда микроорганизмлар, яъни гарднерелла, микоплазма ва лактобациллаларнинг меъёрий миқдорини камайтирадиган қатордаги – ҳар хил анаэроб бактериялар борлиги билан ажralиб туради. Бактериал вагинозлар жинсий йўл орқали юқадиган касалликларга

кирмайды, бирок улар жинсий фаолликка боғлиқ бўлади. Бактериал вагиноз ҳомиладорликнинг кўп салбий оқибатлари, айниқса – вақтидан олдин туғруқ бўлишига сабабчилардан биттаси ҳисобланади.

Шу аснода, бактериал вагиноз 20% ҳомиладор аёлларда қузатилади ва скрининг ҳамда даволашни бошлашдан олдин, касаллик қўзғатувчиси ҳақиқатдан ҳам патоген эканлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Бактериал вагинозни антибиотиклар ёрдамида самарали даволаш мумкинлигини, клиник тадқиқотлар кўрсатган. Бирок, бу ҳомиладорлик оқибатига таъсир кўрсатмайди (анамнезида вақтидан олдин туққан аёллар даво олгач, кўпинча вақтида туққан ҳолатлардан ташқари).

Бактериурия

3-8% ҳомиладор аёлларнинг пешобида бир қанча бактериялар аниқланади (бактериурия), ва улар, қоидага кўра касаллик белгиларисиз кечади. Бирок, даво ўтказилмаганида 15-45% мижозларда, белгиларсиз бактериурия сийдик пуфаги ва буйракларда яллиғланиш (ўткир цистит ёки пиелонефрит) жараёни рўй беришига сабаб бўлади. Ўткир цистит ва ўткир пиелонефрит барча ҳомиладорларнинг тахминан 1%да аниқланади. Шундай қилиб, сийдик чиқариш тракти инфекциялари, ҳомиладорликнинг тез-тез учрайдиган асоратларидан биттаси бўлиб ҳисобланади.

Бактериурия скринингининг энг яхши усули бўлиб, бир марта олинган намунадаги колонияларни ҳисоблаш ва культурами микробиологик ўрганиш ҳисобланади.

Ҳомиладорлик даврида белгиларсиз бактериуриянинг диагностикаси ва даволаш, ўткир пиелонефрит ҳамда она ва ҳомила учун, бевосита асоратлар ривожланиш хавфининг камайишига сабаб бўлади. Бу вақтидан олдин туғилиш тезлиги, шунингдек кам вазнли бола туғилишининг камайиши билан кўринади.

Антибиотиклар билан даволаш, қин ва цервикал каналда микроорганизмлар фаоллигининг камайишига имкон тутдиради. Бирок бактериурияни даволаш, узок вақт давомида қузатиладиган кейинги инфекция ривожланиш хавфининг камайиши билан бирга келмайди.

Сульфаниламидлар, нитрофурантойн, ампициллин ва цефалоспоринларнинг биринчи қаторидаги дориларга, бактериялар сезгир бўлса, сийдик йўлининг белгиларсиз инфекциясини даволашда самарали деб ҳисоблашга асос бор.

Касаллик зўрайганда ёки қайталанганда аёллар керакли даво олишлари керак, ҳомиладорлик тугагач эса, сийдик ажратиш йўлидаги патологик ўзгаришларни аниқлаш мақсадида, улар махсус текширишдан ўтишлари лозим.

Пиелонефрит

Пиелонефритнинг клиник ташхиси иситмалаш, белда оғриқ, дизурик кўринишлар, шунингдек бактериал культурага экиш натижаси мусбат бўлган ҳолатларга асосланади.

Бунақа белгили аёлларни шифохонага ётқизиш ва қон ҳамда пешобни экиш орқали, микроорганизмларнинг қайси антибиотикларга сезгирлигини аниқлаб, даво ўтказилиши лозим. Септицимиянинг аниқ белгилари кузатилмаганда, перорал ва вена ичи давоси, тизимли асорат яъни сепсис ёки сийдик ажратиш трактининг ҳар қандай инфекцияси каби, она тана хароратининг ўзгаришини кузатган ҳолатда

олиб борилиши керак. Агар касалланиш манбаси, тахминан *Esherichia coli* хисобланса, бошланғич даво сифатида аминогликозидлар (ампициллин билан бирга ёки у сиз) ёки цефалоспорин мос даво деб ҳисобланиши мүмкін.

Агар касаллик оғир кечса ёки антибиотикларга резистентлик шубха қилинганды, аминогликозид ва ампициллинларни, бирга құшиб даво үтказиш лозим. Хинолин қаторидаги дориларни, ҳомиладорлик даврида тавсия қилинмайды.

Даво үтказиш вактида, ҳомиладорда буйрак етишмовчилегига шубха бўлса, дорининг ҳомилага теротоген таъсирини камайтириш мақсадида, онанинг қон зардобидаги аминогликозидлар микдорини синчиклаб кузатиб бориш қатъий талаб қилинади.

Үткир пиелонефрит үтказган аёлларни, сурункали инфекциянинг юқори хавф ва қайталаниш гурухига киритиш керак.

ОИВ- инфекция

Ортирилган иммун танқислик синдроми (ОИТС), ҳозирги кунда инсон соғлиғи учун катта муаммоларга сабаб бўлмоқда. Касаллик иммун тизимида нуқсон бўлиши ва айrim ўсма касаллеклари ҳамда оппортунистик (қулай шароит) микроорганизмларга берилувчанлик билан бирга кечади. Касалликнинг белгиларсиз кечиши, инфекцияни онадан болага берилиш хавфини оширади. Maxsus аралаш антиретровирус химиотерапия, шунингдек оппортунистик инфекцияларнинг фаол олдини олиш тадбирлари үтказилишига қарамай, касаллик ривожланишда давом этмоқда.

Болаларда ОИТС биринчи марта 1982 йилда қайд қилинган. Ҳомила она бачадонида заарланиши мүмкін. Туғруқ даврида ҳомиланинг касалликни юқтириши аниқламасдан қолмоқда ва бир неча ой, йиллардан сўнг рецидивланувчи бактериал инфекция, сепсис, сурункали ёки қайталанувчи еликиш (молочница) ҳамда бола ривожланишининг орқада қолиши ҳолатида қўриниши мүмкін.

Фақат юқори хавф гурухи учун үтказиладиган, ушбу инфекцияни аниқлаш бўйича скрининг, кам микдордаги касаллик юқтирган аёлларни аниқлашга қодир. Барча ҳомиладорларда ОИВ скринингини үтказиш, қатъий тавсия қилинади.

ОИТС клиник белгилари яққол қўринган аёллар ҳам, фақат ОИВ юқтирган оналар ҳам болаларига вирусни юқтирадилар.

Ҳомиладор аёлларда ОИВ скринингини иложи борича эрта бошлаш керак, чунки ташхис аниқланганида юқори даво самараси бериши ҳамда инфекцияни вертикал юқишининг камайтирилишига қаратилган.

Ҳомиладорликнинг учунчи триместри ва туғруқ даврида антиретровирус давони үтказганда вирусни вертикал берилиши 25,5%дан 8,3%гacha камайиши кўрсатилган.

ОИВ юқтириш факторларига инъекцияли наркотикларни қабул қилиш, анамнезида қон препаратлари трансфузияси, палапартиш жинсий алоқа ёки юқори хавф гурухидаги жинсий шерикнинг бўлиши киради. ОИВ ва CD4 микдори 200дан кам бўлган ҳомиладор аёллар – оппортунистик инфекция ҳамда *Pneumocystis jirovecii* профилактикаси учун номзод бўлиб ҳисобланадилар.

Хавф фактори борлиги кўрсатилган аёллар учун, лаборатор текширишлари кўзда тутилган маслаҳат бериш ва тест үтказиш стратегияси ОИВ юқтирганларни 50 дан 70% гача идентификациялашга қодир эмаслигини тадқиқотлар аниқлаган.

ОИВга тест, ОИВга қарши махсус антителаларни аниқлашга қаратылған иммунофермент (enzyme immunoassay , EIA) усуллар орқали ўтказилади. Бу антителолар касаллик юқтирилған даврдан, 3 хафтадан 6 ойгача аниқланади. Шундай қилиб, серологик ойна ҳосил бўлади, бунда мижоз касал юқтирган бўлади, атрофдагиларга касалликни тарқатади, бироқ лаборатор тестлар натижаси манфий бўлади.

Серологик ойна вақти бўлмаган даврда тестларнинг сезгирилиги 100%, спецификалиги эса 99,7%ни ташкил қиласди. Ёлғон мусбат натижалар кам учрайди, бироқ ёлғон мусбат натижалар иммун касалликлари борларда (масалан ревматоидли артрит ёки қизил волчанка), шунингдек айrim маълумотларга кўра, кўп вакцинацияли мижозларда кузатилиши мумкин.

Ёлғон мусбат натижалар олиниши мумкинлиги сабабли, ҳар бир EIA мусбат натижа, Фарбий блоттинг ўтказилиб, тасдиқланиши лозим. Бу охирги усул 98% сезгириликка ва 100%га яқин спецификаликка эга. Тестларнинг шубҳали натижалари туқсан ва ҳомиладор аёлларда кўп учрамайди, бироқ ОИВга стандарт текширишнинг диагностик аниқлиги эркаклар, ҳомиладорлар ва ҳомиладор бўлмаган аёллар учун бир хил деб ҳисобланади.

Мавжуд бўлган альтернатив экспресс текширишлар ҳам катта аниқликка эга ва мурожаат қилганларда тестдан ўтиш қарорини қабул қилишга имкон түғдириши мумкин. ОИВга стандарт тестлаш билан экспресс тестни таққослаганде сезгирилик 96 дан 100%гача, спецификалик эса 99,9% ташкил қиласди. Шу туфайли ушбу тестлар, тугрук даврида ОИВ ҳолатини баҳолашда қўлланилиши мумкин.

Захм

Захм, жинсий йўллар орқали юқадиган касаллик бўлиб, *Treponema pallidum* чақиради.

Бу инфекция танага тушганида, иммун жавоб, специфик ва носпецифик антитела махсулотларига кўра келиб чиқади. Тананинг сезиларли жавоби бўлиб, специфик антитрепонем IgM пайдо бўлиши ҳисобланади ва уни касаллик юқтирган вақтдан, иккинчи хафтанинг охирларида аниқланади. Касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлгунича, кўп мижозлар қонида IgG ва IgM юқори миқдорда бўлади. Бироқ, захм, бир неча йиллар давомида белгиларсиз кечиши ҳам мумкин.

Ҳомиладорлик даврида захм даволанмаган ҳолатларда касалликни ҳомилага берилиши 70-100% ташкил қиласди, ҳомиладорликнинг учдан бир қисми ўлик ҳомила туғилиши билан тугайди.

Захмнинг вертикал йўл орқали берилиши -неонатал ўлим, туғма захм (бу ўз навбатида ногиронлик сабабчиси ҳисобланади), ўлик ҳомила ва вақтидан олдин туғиш билан бирга келади.

Ҳомиладорлар захм билан касалланган ҳолатларда, даволаш сифатли антибиотиклар билан олиб борилиши лозим, антибиотиклардан пенициллин кўпроқ маъқул деб топилган. Агар, бола ва жинсий шерик(лар) касаллик юқтирган бўлсалар, уларни текшириш ва даволаш керак.

Туғма захмнинг клиник ташхиси қийин, чунки у жуда ўзгарувчан, кўп болаларда эса касаллик умуман белгиларсиз кечади. Онада ўтказилған давонинг самараси ноаниқ қолса ёки даво таркибида пенициллин бўлмаса, ҳар қандай ҳолатда ҳам болага даво ўтказиш тавсия қилинади.

Скрининг тестлари, жорий қилинган қонун бўйича, ҳамма ҳомиладорлар учун, гестациянинг эрта даврларидан бошлаб, бутун ҳомиладорлик мобайнида

ўтказилиши лозим, чунки ушбу инфекцияни даволаш натижаси бола учун ҳам, она учун ҳам ижобий тугаши мумкин.

Касалликни эрта аниқлаш антибиотиклар тавсия қилинишига имкон беради, бу ўз навбатида инфекцияни даволаш ва асорат ёки чақалоқда туғма инфекциянинг олди олинишига олиб келади 1 : 20 000 тирик туғилган чақалоқларда (0.005%) касаллик тарқалган ҳолатларда, скрининг дастури ўтказилиши, иқтисодий афзаликларга эга эканлигини текширишлар кўрсатган.

Хозирги кунда, пренатал парваришнинг эрта даврларида, барча ҳомиладорлар учун серологик тест ўтказиш тавсия қилинади. Касалликларни назорат қилиш маркази (CDC), юқори хавф гурухидаги мижозлар учун ҳомиладорликнинг учунчи триместрида такрорий серологик тест ўтказишни тавсия қиласди.

Қуйидаги серологик текширишлар (трепонем-бўлмаган тестлар) орқали, захмга тест ўтказилади: зардоб реагинларини тез аниқлаш (RPR) ёки Venereal Disease Research Laboratory (VDRL). Бу тестлар, захмнинг бирламчи босқичида пайдо бўладиган антикардиолипин антителоларига сезгир. Бирламчи захмни аниқлашда, RPR ва VDRLни сезгирлик бўйича баҳолашда, у 78% га 86%, иккиласми босқич учун 100%, латент даврни аниқлаш учун 95-98% ташкил қиласди. Спецификлик 85 дан 99 %гача ўзгариб туради.

Ёлғон мусбат натижалар кўп кузатилади, чунки бошқа ҳолатлар, масалан, коллагенозлар, ҳомиладорлик, тез-тез томир ичига муолажалар ўтказиш, ёмон сифатли ўスマлар, сил, безгак, вирусли касалликлар ва риккетсиозларда ҳам, захм касаллигидаги антителолар учраши мумкин.

Специфилги паст бўлганлиги учун, мусбат серологик тестлар трепонем тестлар билан тасдиқланиши лозим, масалан трепонем антителолаларнинг флуоресцент абсорбцияси ёки микрогемаглютинация -*Treponema pallidum*. Бу тестлар 96%га яқин келадиган специфилликка эга ва бутун ҳаёт давомида мусбат бўлиб қолади (тўғри ёки самарали даво ўтказганда титри пасаядиган ёки йўқоладиган серологик тестларга нисбатан).

Сўзак

Ҳомиладорлик даврида сўзакнинг бўлиши, она учун ҳам бола учун ҳам жиддий оқибатлар бўлишига олиб келади.

Ушбу патологияни аниқлашда асосий скрининг усул бўлиб, шифокорга биринчи марта антенатал ташриф бўлганда, цервикал каналдан суртма олиш ҳисобланса ҳам, сўзакни аниқлашда культурал мухитга экиш ва антибиотикларга сезгирлик тести ўтказиш “олтин стандарт” эканлигини унутмаслик лозим. Аёллар жинсий йўлидан олинадиган суртмалар учун Грамм бўйича бўяш етарли сезгир ҳисобланмайди. Касаллик кўп ҳолларда белгиларсиз кечишига қарамай, ҳомиладорлик даврида артрит ва бошқа тизимли касалликларнинг кўпайиши хақида маълумотлар бор.

Чақалоқларда сўзакдан заарланиш бўлганда, конъюнктивит учраши одатий ҳолат ҳисобланади. Сўзакли офтальмопатиянинг ўзига хос белгилари эрта пайдо бўлади – туғруқдан кейин иккинчи –бешинчи кун. Шу билан бирга, даволанмаган инфекция мугуз (шох) парда тукимасида қайтмас ўзгаришлар ва перфорацияга олиб келиши мумкин. Неонатал офтальмопатиянинг олдини олишнинг энг яхши усули бўлиб, касалликни онада аниқлаш ва эрта даволаш ҳисобланади. Хозирги

кунда сўзакни даволаш учун, цефалоспоринларнинг учунчи авлоди тавсия қилинади.

Олдини олиш чора тадбирлари учун, гонококк ва хламидийларга таъсир кўрсатадиган антибактериал препаратлардан фойдаланиш лозим. Бу препаратларга эритромицин, тетрациклин ва пенициллин киради. Бу дориларнинг ножуя таъсири кам ва кумуш нитратига нисбатан самарали воситалар ҳисобланади.

Хламидияли инфекция

Хламидиоз – жинсий йўллар орқали юқадиган, кенг тарқалган касаллик ҳисобланади. Масалан АҚШда ҳар йили 2,4 миллион ҳолатлар қайд қилинади. 70% ортиқ аёлларда касалликнинг клиник белгилари намоён бўймайди. Ҳомиладорларда бу касалликнинг тарқалиши 10,1-17,1% ташкил қиласди. Ҳар йили 155 000 яқин оналар туғруқ даврида заарланадилар ва уларнинг ярмидан кўпининг боласида зотилжам ёки конъюктивит каби инфекцион касалланиш кузатилади.

Касаллик кўп ҳолатларда белгиларсиз кечади, гарчи айrim аёлларда бачадон бўйнининг йирингли-шиллик яллиғланиши, сальпингитлар ёки уретрал синдром кузатилади.

Чақалоқлар туғруқ даврида, онанинг туғруқ йўлларидағи инфекцияланган секретлар билан алоқада бўлиши туфайли хламидия инфекцияси билан касалланадилар. Чақалоқларга 18-50% хламидияли конъюнктивит заарланган онадан ўтади, бу эса чақалоқлар конъюктивитининг кенг тарқалишига сабаб бўлади. Хламидия этиологияли чақалоқлар зотилжами, 3 дан 18%гacha учрайди.

Хламидиоз диагностикасида микроорганизмларни культураларда аниқлаш олтин стандарт ҳисобланса ҳам, уни ўстириш учун махсус усул ва кўп маблағ талаб қилинади. Бундан ташқари ўстириш усули, бошқа усулларга нисбатан паст сезирликка эга. Охирги йиллардаги муваффақиятлар, амалиётга бошқа, диагностик аниқликларга эга усуллар киритилишига олиб келди. Культурага нисбатан цервикал каналдаги суртмаларда специфик антителоларни аниқлаш 80-95% сезирликка эга.

Шу суртмалар генетик текширилганда, уларнинг сезирлиги ва специфиллиги 95% ташкил қиласди. Нуклеин кислоталарнинг амплификацияли (NAAT) тести, полимераза ёки лигазали занжир реакциясидан фойдаланиб олиб борилади ва 95% ортиқ сезирликка ҳамда специфилликка эга, бироқ тез бажарилишига қарамай, ушбу усул қимматбаҳо бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда *Chlamydia trachomatis* аниқлаш учун пешоб намунасини текшириш мумкин. Агар қин текширишларини ўтказишда қийинчиликлар бўлса, NAAT тестларидан фойдаланиб пешоб скрининги ўтказилади. *Chlamydia trachomatis* аниқлашда, NAAT сезирлиги 95 - 99 % ташкил қиласди ва цервикал суртма текширишлари билан тенг. Специфиллиги 99% юкори.

Ҳомиладорликнинг эрта даврларидағи диагностика, перорал антибиотиклар яъни эритомицин ёки азитромицин билан даво ўтказиш имконини беради. Даволанмаган ҳомиладорларга нисбатан даво ўтказиш, вақтидан олдин туғруқ, қоғаноқ пардани вақтидан олдин ёрилиши ва кам вазнли бола туғилишининг учраш тезлиги сезиларли камайиши билан ассоциацияланади. 25 ёшдан катта ҳомиладорларда ва турмушга чиққан аёлларда касаллик учраш тезлиги анча кам.

Токсоплазмоз

Содда паразит *Toxoplasma gondii* билан онанинг ҳомиладорлик даврида заарланиши, ҳомилада туғма инфекцияга, айрим ҳолатларда жиддий оқибатларга сабаб бўлади. Инсон бу касаллик билан фақат бир марта касалланиши мумкин, шунинг учун, ҳомиладорликкача иммунитет олган аёл, болага касалликни юқтириши бўйича хавф туғдирмайди.

Туғма токсоплазмознинг клиник белгилари хориоретинит, қайталанувчи тутқаноқ, гидроцефалия ва калла суюги ичи кальцификация каби туғруқдан кейин дарҳол ёки кечроқ намоён бўлади.

Кўп ҳолатларда онанинг касаллиги белгиларсиз кечади, гарчи айрим ҳолатларда, переферик лимфа тугунларининг катталашиши кузатилади. Қон зардобида *Toxoplasma gondii*нинг юқори титри аниқлагандা, белгиларсиз заарланиш кечаётганлигини билиш мумкин, бу тест фақат юқори малакали лабораторияларда ўтказилиши ва синчилаб интерпретацияланиши лозим.

Сероконверсия ёки юқори специфик антителолаларни тўрут марталаб аниқланиши, яқинда касаллик юқтирганидан дарак бериши мумкин, бироқ, *Toxoplasma gondii*га юқори антителаларни бир марта аниқлаш, касалликни яқинда юқтирганлигига асос бўла олмайди.

Онадан ҳомилага касалликнинг юқиш хавфи, ҳомиладорлик муддатига боғлиқ. Битта катта тадқиқотда, ҳомиладор аёл биринчи триместрида касаллик билан касалланганда, ҳомила касалланиши 17%дан, учинчи триместрда 67%гача ортиши кўрсатилган. Онанинг ҳомиладорликнинг учинчи триместрида касалланиши туфайли, серологик текширишлар асосида, ҳомиланинг кўп заарланиши аниқланганлиги билан, биринчи триместрдаги заарланиш чақалоқларда жиддий касалликларга сабаб бўлиши кузатилган. Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида касалланган болаларнинг 14%да оғир заарланиш кузатилган, учинчи триместрда касаллик юқтирган болаларда эса, ҳеч қанақа заарланишлар қайд қилинмаган. Ҳомиладорликнинг эрта даврида касаллик билан касалланиш, ўз-ўзидан бола тушишига сабаб бўлиши мумкин.

Спирамицин, пираметамин сульфат паразитга қарши самарали восита ҳисобланмайди. Пираметамин сульфат қабул қилинганида, ҳомиладор аёлларнинг кўпчилигига ножўя таъсирларга сабаб бўлган.

Ҳаммада токсоплазмоз инфекциясини аниқлаш учун скрининг ўтказиш шарт эмас, чунки скрининг тести ўтказилишидан олинадиган зарар, ҳомиладорлар учун кутилган фойдадан кўп бўлиши мумкин.

Токсоплазмоз юқтиришнинг олдини олиш бўйича оддий чора тадбирлардан ҳомиладор аёллар хабардор бўлишлари лозим. Буларга киради:

- овқатланишдан олдин қўлларни тозалаб ювиш
- хом сабзавот ва меваларни, шунингдек қўкатларни яхшилаб ювиш
- гўшт маҳсулотларини етарли даражада пишириш
- тупроқ билан алоқада бўлганда қўлларга қўлқоп кийиш (масалан, боғда ишлаганда)
- уй ҳайвонларининг (мушук) ахлатлари билан алоқада бўлмаслик.

В гуруҳидаги стрептококклар

В гуруҳ стрептококклари (*Streptococcus agalactiae*), янги туғилган чақалоқларда кўп жиддий инфекцион асоратлар бўлишига сабабчи бўлиб ҳисобланади. Онанинг ҳам, ҳомиланинг ҳам стрептококклар билан заарланиши

эҳтимолдан ҳоли эмас, шу билан бирга стрептококк, аёлнинг жинсий йўлларида ёки ошқозон ичак трактида мавжуд бўлиши ва ҳеч қанақа белгилар кузатилмаслиги мумкин.

Инфекциянинг эрта ва оғир турларига сепсис, шок ва респиратор дистресс-синдромнинг тез ривожланиши киради. Касалланиш эҳтимоли (2тага 1000та тирик туғилган бола), чақалоқнинг етилганлиги ва бактериялар калонизациясининг зичлигига боғлиқ. Тана вазни 2500 г дан кам бўлган болалар, вазни 2500 г дан кўп болаларга нисбатан касалликка кўпроқ берилувчан бўладилар. Туғруқ бошланишидан олдин ҳомила пуфаги/пардасининг ёрилиши ва онанинг иситмалаши, янги туғилган болада касалланиш хавфини оширади.

Ҳозирги вақтда, олдини олиш чораси сифатида антибиотикларнинг тавсия қилиниши, ҳомила учун ҳомиладорлик натижалари ижобий тугаши ҳақида асос йўқ. Аксинча, кўп тадқиқотчилар, бунақа олдини олиш чоралари туфайли пенициллин-резистент микроблар ҳисобига, септик турдаги ҳолатлар кўпайишини таъкидлайдилар. Ҳомиладорлик даврида ўтказилган антибиотикотерапия курси, бола заарланиш тезлигига ёки унда сепсис ривожланишига тўлиқ таъсир кўрсатмаган ҳолда, В гурух стрептококклари ташувчанлигини, аёлларда вақтинча йўқ қиласди. Ҳомиладорлик даврида даволаш, агар у туғруқ даврида давом этмаса, қин флорасига вақтинча таъсир кўрсатади ва янги туғилган чақалоқларда сепсис учраш тезлигига таъсир кўрсатмайди.

Шу билан бирга, юқори колонизация хавфи бўлган аёлларни даволаш лозим, бироқ В гурух стрептококкларини аниқлаш мақсадида ҳамма аёллар учун скрининг ўтказилишига зарурат йўқ.

Агар стрептококкни аниқлаш учун экспресс-таксиллнинг иложи бўлмаса ёки ижобий бўлса, вақтидан олдин туғруқ бошланган, туғруқ даврида иситмалаган ёки узоқ вақт сувсиз оралиқ кузатилган аёллар, туғруқ даврида антибиотиклар олишлари керак.

Цитомегаловирусли инфекция

Цитомегаловирусу, герпесвируслар оиласига киради. Инфекция латент кечади, бироқ тананинг иммун кучи кучсизланган давларда патоген бўлиши мумкин. Туғма касалланиш, 3/1000 тирик туғилган болаларда учраши мумкин. Ҳомила заарланишининг кўп бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, шунинг учун, анамнезида ўлик туғилган болали аёлларни

ташувчанлигига текширилиши лозим.



Шу билан бирга ҳаммада ЦМВ инфекциясига скрининг ўтказиш тўғри эмас, чунки қайси ҳолатлarda ҳомила ичи заарланиши, қайси заарланган онанинг ҳомиласида жиддий заарланишлар бўлишини аниқлаш мумкин эмас. Бундан ташқари, ҳозирги кунда ушбу инфекциянинг олдини олиш бўйича даво ёки вакцина мавжуд эмас.

Оддий герпес вируси

Оддий герпес вируси билан ҳомиланинг заарланиши кам кузатилади, бироқ оғир кечиши мумкин. Герпесли вирус клиникаси жуда ўзгарувчан, белгиларсиз кечишдан, тери қопламлари, кўз, асад тизими ва патологик жараённинг умумий диссеминациясигача намоён бўлиши мумкин.

Бу касалликнинг ўткир шакли билан оғриган аёл, вирусни боласига туғруқ даврида юқтириши мумкин, шу билан бирга, касалликнинг қайталанувчи шакли билан, онадан ҳомилани заарланиш хавфи сезилмас даражада.

Туғруқ бошланишигача, фаол инфекцион жараённи аёлда аниқлашнинг критерийси бўлиб, клиник маълумотлар ҳисобланади. Туғруқ бошланишида вируснинг фаоллашишини, белгилар кузатилмаганида, ҳомиладорлик даврида аниқланган вирусологик текширишлар асосида олдиндан айтиб бўлмайди, ва белгилар кузатилмаганида бу текширишлар тақорий ўтказилганда, туғруқ даврида вируси фаоллашадиган мижозларни аниқлаш мумкин эмас.

Ҳозирги пайтда, онада вирус фаолиятини йўқотадиган ва белгиларнинг қайталаниш сонини камайтирадиган дори бўлиб, ацикловир ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида, ҳомиладорлигига герпесли инфекцияни бошидан ўтказган аёлларни олиб бориш учун, ҳалигача ягона ёндашув ишлаб чиқилмаган бўлса ҳам, агар, касалликнинг фаоллашиши тўғрисида клиник далиллар мавжуд бўлса, туғруқни кесар кесиш амалиёти орқали ўтказиш тавсия қилинади. Шу билан бирга, ҳомила пуфаги, туғруқ ўтказилишидан 4-6 соатгача очилмаслиги лозим.

Анамнезида генитал герпес бўлган аёлдан туғилган болани синчиклаб клиник текширувдан ўтказиш керак.

Гепатит В вируси

Туғруқ даврида, гепатит В га тест натижалари мусбат бўлган аёллар, туғиши жараёнида ҳомилага касалликни юқтириш эҳтимоли 70-90%ни ташкил қиласди. Туғруқдан кейин биринчи 12 соат ичидаги ҳомилага вакцинация ўтказиш ва бир марта иммуноглобулинни киритиш, 75% ҳолатларда чақалоқга касаллик юқишининг олдини олиш эҳтимоли бор.

Онанинг гепатит В билан касалланиш факторларига жинсий шерикларнинг кўп бўлиши, инъекцион наркотикларни қабул қилиш киради, бироқ, аниқ этиологияга эга бўлмаган заарланиш 30% ташкил қилишини тадқиқотлар исботлаган. Шаҳарда яшовчи аёлларда, мақсадли скрининг ўтказилганида 35-65% ҳомиладорларда HBS Ag мусбат натижа берган. Замонавий тавсиялар, барча ҳомиладор аёллар, биринчи антенатал ташрифга келганида, ушбу касалликка скрининг ўтказилиши кераклигини таъкидлайди.

Гепатит В вирусининг юзаки антигенини, иммунологик тестлар ўтказиш орқали аниқланади, уларнинг сезгирилиги ва специфиллиги 98% юқорини ташкил қиласди.

Гепатит В кўп тарқалган гурухдаги мижозларни (наркоманлар, қон препаратларининг реципиентлари, диализда ётганлар, яқинда татуировка ўтказганлар), иккинчи ёки учинчи триместрнинг бошида, тақорий текширишдан ўтказиш масалалари кўриб чиқилиши лозим.

Гепатит С вируси

Гепатит С билан жигарнинг заарланиши, қўп мамлакатлардаги, соғлиқни сақлашнинг жиддий муаммоларига олиб келмоқда, чунки бу касаллик жигар циррози, гепатоцеллюляр карциномалар, жигар етишмовчилиги ва гепатитларга сабаб бўляпти.

Вирус билан заарланиш қон орқали, дори воситалари инъекцияси, пирсинг, шунингдек вертикал йўл орқали келиб чиқиши кузатилади.

Гепатит С вирусини аниқлашга қаратилган скрининг текширишлари қимматбаҳо бўлиб, иммунофермент (EIA, ELISA)таҳлиллар ўтказилишини ўз ичига олади. Мусбат натижа олинганда, ELISA ёки рекомбинат иммуноблоттинг RIBA усули орқали такрорий таҳлил ўтказилиши лозим. «Олтин стандарт» бўлиб, полимераз занжир реакцияси текшируви ҳисобланади. Усулнинг сезгирилиги ва спецификалиги 66% ва 100%ни ташкил қиласди.

Шунга қарамай, ҳомиладор аёллар учун, гепатит С вирусига скринингнинг самараси аниқланмаганлигини ҳисобга олиб, антенатал парвариш даврида, ҳамма ҳомиладорларга бу текширишни ўтказиш тавсия қилинмайди.

АСОСИЙ КЛИНИК ҲОЛАТЛАР

Гестацион қандли диабет

Диабет метаболизмнинг қўп томонларининг бузилиши билан кечади ва бу ўзгаришлар, факат глюкоза алмашинувининг бузилиши туфайли юз беради, гарчи углеводларнинг метаболизмга таъсири бу касаллик учун шубҳасиздир. Диабет ташхисини аниқлашда, белгилар билан биргаликда (*полиурия, чанқаш, кетоацидоз*), умумий қабул қилинган критерийларга, веноз қон зардоби тасодифан таҳлил қилинганда, глюкоза миқдорининг 11 ммоль/л л (200 mg/dl) ёки оч қоринга 8 ммоль/л (140 mg/dl) бўлиши киради.

Қон зардобини тасодифан текширганда, глюкоза миқдори 8 ммоль/л дан ёки оч қоринга 6 ммоль/л дан кам бўлса, меъёр ҳисобланади. Меъёрий ва қандли диабетда кузатиладиган глюкоза миқдорини, бўлиши мумкин бўлган касаллик ёки меъёр ҳолати деб қабул қилиш мумкин, шунинг учун, глюкоза оғирлиги (нагрузка - 75 г эрталаб, оч қоринга) бериб, текшириш ўтказиш тавсия қилинади. Глюкоза билан оғирлик берилгач, икки соатдан кейин глюкоза миқдори 11 ммоль/л бўлса, диабет белгиси деб ҳисобланади, 8 ва 11 ммоль/л миқдор эса “глюкоза толерантлигининг бузилиши” деган тушунчага киритилади.

Диабет, сурункали ёки ривожланадиган касаллик эканлигини ҳисобга олиб, катта ёшли бўлиб ҳомиладор бўлганда, ҳомиладорлик оқибати ёмон тугаши мумкинлигидан, аёлни хабардор қилиш лозим.

Умумий популяцияга нисбатан, диабет натижасида туфма нуқсонлар ҳолати уч марта кўп учрайди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳомиладор бўлишдан олдин, глюкоза миқдорини қатъий компенсациялаш, ҳомиладорлик даврида рўй бериши мумкин бўлган асоратлар сонини сезиларли камайтирас экан.

Замонавий усуллар орқали глюкоза миқдори компенсацияланишига қарамай, ҳомила макросомияси, қандли диабетда тез-тез учрайдиган асорат бўлиб қолмоқда. Агар онада микроциркуляциянинг бузилиши билан кечадиган қон томир касалларни бўлмаса, диабет ҳолатида, ҳомила ривожланишининг орқада

қолиши кузатилмайды. Диабетнинг бунақа асоратлари кузатилганда, мижозга тўлиқ маслаҳат ўтказиш керак бўлади.

Диабетли нефропатияда артериал босим сезиларли қўтарилимаса ва қон зардобида креатинин миқдори меъёрий бўлса, ҳомиладорлик оқибатига салбий таъсир кўрсатмайди (гипертензия ва буйрак етишмовчилигида кузатиладиган салбий ҳолатлар). Ҳомиладор бўлмаган аёлларда буйрак заарланиши белгиларсиз кечади, аммо ҳомиладорлик даврида бу ҳолат хавфли бўлиши мумкин. Гарчанд, кўп аёлларда ҳомиладорлик нефропатияси бўлганда, буйрак фаолиятининг ўзгариши кузатилмайди, бироқ айrim аёлларда, буйрак етишмовчилиги ривожланиб, ҳатто туғруқдан кейин ҳам ўтиб кетмаслиги мумкин.

Қандли диабети бор оналарда, вақтидан олдин туғруқ бўлиш хавфи популяциядаги хавфдан юқори эмас. Қандли диабети бор оналарда вақтидан олдин туғруқ хавфининг бўлиши асоратлар билан боғлиқ, яъни юқори гипертензия ёки бу мижозларни олиб борища қабул қилинган усул туфайли танланган (электив) постуляр вақтидан олдинги туғруқлар.

Ушбу усул кўриб чиқилганда, вақтидан олдин туғиши тезлиги бу касаллика камайтирилиши керак.

Қандли диабетдан азият чекадиган аёллар бола қўришни истасалар, уларга бу касаллик боланинг кейинги ақлий ва жисмоний ўсишига ҳеч қанақа салбий таъсир кўрсатмаслигини ва ўсмирлар диабетининг рўй бериши икки ва ундан кам фоизни ташкил қилишини тушунтириш лозим.

Қандли диабет билан касалланган ёш аёллар терапевт, эндокринолог ва доя назоратида бўлишлари, ҳомиладор бўлишдан олдин, ҳомиладорлик ва туғруқ даврларда, ҳар тамонлама текширишлардан ўтишлари ва керакли даво ёрдамини олиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Бунақа кузатув, ҳамкорликдаги текшириш ва мунозаралар остида ўтиши керак. Бунақа назорат бошқа мутахассисларнинг яъни диетолог, диспансер ҳамширлари иштирокини ҳам таъминлайди.

Аёллар учун ҳомиладорликнинг биринчи бир нечта ҳафтаси янги шароитга кўниши даври ҳисобланади ва кўп мижозлар ўзларидаги қандли диабет ҳолати борлигини ҳамда уни компенсацияси устидан қатъий назоратнинг аҳамиятини қайта кўриб чиқишилари зарур бўлади. Инсулин киритиш жойини даврий ўзгартириш, жисмоний машқ, тўғри парҳез тутиш ва ҳомиладорлик даврида овқатланишнинг ўзига хос талабининг зарурати, кўп мижозлар учун охиригача аниқ бўлмаслиги мумкин. Ҳомиладорни ўзини маҳсус олиб бориш иложи борича эрта бошланиши лозим, энг яхшиси – ҳомиладор бўлишга тайёргарлик вақти ҳисобланади. Аввало, шунақа тиббий ёрдам ташкил қилиниши керакки, агар аёл ҳомиладор бўлиб қолса, тез керакли ёрдам олишга эга бўлсин. Агар ҳомиладорликнинг аниқ муддатини аниқлашда қийинчилклар бўлса, ультратовуш текшириш ёрдамида, эрта муддатлар аниқланиши мумкин.

Кўнгил айнаш, қайт қилиш ва гормонал статуснинг ўзгариши билан кечадиган гипогликемик ҳолат, ҳомиладорликнинг эрта даврида, аёлларнинг умумий аҳволи ёмонлашишига олиб келади ҳамда диабетнинг яхши компенсациясига халақит беради. Бу гипогликемик ҳолатларнинг олдини олиш чоралари ҳаддан ташқари кўпайиб кетмаслиги учун, мақсадли тушунтириш ишлари олиб борилиши керак. Бунда глюкоза ёки қанд истеъмол қилинмаслиги лозим. Сут ва енгил овқатлар керакли таомларга киради ва гипогликемия даврида уларни бир неча бор истеъмол қилиш мумкин.

Барча мижозлар, зарурат туғилғанда глюкагондан фойдалана олишлари учун, уни ўзлари билан олиб юришлари лозим.

Диабет билан асоратланған аёлларда гипертензия ёки протеинурия кузатылса, акушерлик текширишлари билан биргалиқда бүйракларни ҳам текшириш лозим, шунингдек 10 йилдан ортиқ диабетдан азият чеккан аёллар бўлса, уларнинг кўз тубларининг ҳолатини ҳам текширишдан ўтказиш керак бўлади. Бу текширишларнинг ҳаммаси, мижозларда ҳар триместрда ўтказилиши лозим. Нефропатия кузатилган ҳолатларда, пешобни культурага экиш доимий равишда олиб борилиши керак. Ҳомиланинг туғма ривожланиш нуқсони, шунингдек туғма юрак нуқсонлари кўп учрашини инобатга олиб, мижозлар батафсил ультратовуш текширишидан ўтишлари, ҳамда экспертилар ҳомила эхокардиографияси ўтказилиши лозим.

Нефропатия ёки ретинопатия ёки бошқа жиддий асоратлар кузатилмагандан, ҳомиладорликнинг иккинчи триместри, одатда ўзгаришларсиз кечади. Қоидага кўра, бу вақтга келиб, мижозлар учун маҳсус ўқитиш ва маслаҳат бериш курслари тугайди ва агар, ҳомила ривожланишида ўзгаришлар ёки преэклампсия бўйича хавотирланишлар рўй бермаса, бу даврда қўшимча доя кузатувига муҳтоҗлик бўлмайди.

Диабети бор аёлларнинг қон босими юқори бўлса, уларни синчиклаб текшириш, керак бўлганда антигипертензив даво олишлари лозим. Бунақа ҳомиладорларни олиб бориша буйрак фаолиятини такрорий текшириш кўрсатилган.

Ҳомиладор бўлмагандан диабетнинг жадал компенсация учун, тери остига доимий инсулин киритиш ёки кунига уч ва ундан ортиқ инъекция ўтказилганда, қонда керакли глюкоза миқдори бўлишига имкон яратилади.

Кузатувлар натижасида, нефропатия ва ретинопатия ривожланиш хавфини камайтириш мақсадида бунақа режимларнинг аҳамияти, исботланган. Яқин келажакда бўладиган ҳолатларни олдиндан айтганда, ретинопатия кечиши ёмонлашади ва гипогликемиянинг оғир хуружлари тез-тез бўлиши кузатилиши мумкин.

Тери остига инсулин даврий киритилганда (доимийдан кўра) диабетли кетоацидоз ривожланиш хавфи ортмайди.

Компенсациянинг мақсади, оч қоринда, овқатланишдан олдин ва овқатланғандан сўнг ҳам қондаги глюкоза миқдорини меъёрий миқдорини пайдо қилишга қаратилган. Қондаги қанд миқдорини, уй шароитида аёл томонидан муваффақиятли аниқланиши ва бошқарилиши мумкин, у, яъни қийинчилкларсиз, яхиси телефон орқали, тест натижаларига кўра керакли маслаҳат ҳамда тавсияларни олиши мумкин. Амбулатор ёки стационар кузатувига нисбатан уй мониторинги олиб борилганда, аёл даволаш масканларида ўтказадиган вақтни тежайди ва бу ҳолатларда ҳомиладорлик натижасининг ёмонлашиши аниқланмайди.

Инсулиннинг дори шакли ва миқдорини синчиклаб ва тез-тез бошқариб туриш керак. Аёлларга ҳомиладорлигига кўра, инсулинни тез-тез киритиб туриш керак бўлиши мумкин, кўпинча кунига уч марта, айрим ҳолатларда балки тўрт марта киритиш лозим бўлар.

Бироқ, одатий режимлардан фойдаланганда, ретинопатиянинг вақтинчалик ёмон кечиши кузатилиши мумкин.

Ҳозирги кунда, қандли диабет компенсациясининг бир неча режими мавжуд:

- жуда қатъий компенсация – мақсад, қон таркибидаги глюкоза миқдорини доимий 5,6 ммоль/лдан паст ушлаб туриш,
- қатъий компенсация – мақсад, қон таркибидаги глюкозани 5,6 дан 6,7 ммоль/л орасида ушлаб туриш,
- ўртача компенсация - қон таркибидаги глюкозани 6,7 дан 8,9 ммоль/л орасида ушлаб туришга қаратилган.

Ҳомиладорларда, касалликнинг энг яхши натижалари, қатъий компенсация ўтказилганида бўлиши, исботланган.

Жуда қатъий компенсациялар ўтказилганида, гипогликемик ҳолатларнинг тез-тез бўлиши ва қатъий компенсацияда кузатиладиган яхши ҳомиладорлик натижаларига олиб келадиган ижобий натижалар бўлмайди.

Ўртача компенсация олиб борилганида, бунда қондаги қанд миқдори 8,9 ммоль/лгача бўлиши мумкин бўлади ҳамда макросомия, сийдик чиқариш тракти инфекциялари, кесар кесиш тезлигининг ортиши, шунингдек гипертензив ҳолатларнинг, вақтидан олдин туғруқларнинг, респиратор дистресс-синдроми, перинатал ўлимнинг кўпайиши каби ҳолатлар кузатилади.

Антенатал кузатувнинг ҳар қандай дастури каби, қандли диабет билан асоратланган ҳомиладорликни олиб боришида асосий эътибор, ҳомиладорларда гипертензия ва ҳомила ривожланишидаги ўзгаришларни эрта аниқлашга қаратилган бўлади.

Соғлом аёлларга нисбатан қандли диабети бор мижозларда, ҳомиладорлик туфайли келиб чиқсан юқори қон босим тез-тез учрайди ва ҳомиладорликнинг жуда эрта давларида ривожланади. Ҳомиладор бўлишгача гипертензиядан азият чеккан, шунингдек нефропатия ёки томирли заарланишлар аниқланган аёллар махсус хавф гурухига кирадилар.

Ҳозирги кунда, бу мижозлarda учрайдиган, ҳомиладорлик туфайли келиб чиқадиган гипертензия ривожланишини аниқлайдиган ишончли белгилар йўқ ва профилактик даво самараси аниқланмаганлигини унутмаслик лозим.

Диабетдан азият чекадиган аёлларда ҳомила ривожланишидаги ўзгаришлар икки гурухга бўлиниши мумкин – ривожланишнинг орқада қолиши ва макросомия. Гипертензия, нефропатия ёки томир заарланишлари, қандли диабет билан биргаликда келганда, ҳомила ривожланишининг орқада қолиши сезиларли кўпаяди. Диабет ёмон ёки етарлича компенсация қилинмаганида макросомиянинг учраш тезлиги ортади. Бу эса, диабет бор ҳомиладор аёлларнинг иккинчи ва учинчи триместрида, ҳомилада қўшимча ультратовуш текшириш ўтказилиши кераклигини кўрсатади. Ҳомиланинг абсолют фетометрик кўрсаткичлари, ишончли критерий ҳисобланмайди, динамикада уларнинг ўзгаришига эътибор қаратилиши лозим. Умумий популяциядаги каби, ҳомила ривожланишини баҳолаш мақсадидаги скрининг самараси белгиланмаган.

Макросомия ультратовуш текширишида аниқланиши мумкин, бироқ, катта ҳомилаларни текширишда ҳомила массасини аниқлашга қаратилган қўп формуаларнинг аниқлиги чегараланган ва шунинг учун, шулар асосида қилинган ҳисоб китобларга эҳтиётлик билан қараш керак.

Онада қандли диабет бўлганида, перинатал ўлим кўп кузатилганлиги учун, даврий равишида ҳомила ҳолати баҳоланиб борилиши лозим.

Диабет билан касалланган аёлларда, режали кесар кесиш амалиётини ўтказиш, узоқ йиллар давомида ушбу ҳомиладорларни олиб боришнинг классик стратегияси бўлиб ҳисобланган. Ҳозирги кунда, ҳомила ҳаётига хавф соладиган бошқа асоратлар кузатилмаганида, муддати келмагунича, ҳомиладорликни тухтатиб қўйишга ҳеч қанақа жиддий сабаблар йўқ.

Ҳомила ва йўлдош туғилиб бўлгач, тукқан аёл қонидаги глюкоза миқдорига кўра, киритиладиган инсулин миқдорини тўғрилаб олиш лозим. Одатда, ҳомиладорлик даврига кўра, тукқандан кейинги даврда инсулиннинг керакли миқдори, сезиларли камаяди.

Болани, кўкрак сути билан овқатлантирилишини қўллаб кувватлаш керак, бироқ, кўкрак сути билан боқиш, истеъмол қилинадиган таомнинг энергетик қиймати кўпайтирилишини талаб қилишини аёлга айтиш лозим.

Туғруқдан кейинги даврда ҳомиладорликдан сақланиш, муҳим муаммолардан ҳисобланади. Кам миқдорли орал гормонал контрацептивлардан фойдаланишга (айниқса ёш, чекмайдиган, семизлик ёки қон босимининг кўтарилиши кузатилмайдиган аёллар учун) қарши кўрсатмалар йўқ. Орал контрацептивлар қабул қилиниши билан боғлиқ бўлган бош оғриги ёки гипертензиянинг кузатилиши, контрацепция усулини алмаштиришга кўрсатма бўлади.

Ҳар бир аёл учун, ҳомиладор бўлиш хавфи, ҳамда таклиф қилинадиган контрацепция хавфи, таққосланиб кўрсатилиши керак. Диабетли нефропатия ёки ретинопатияси бор аёлларга, кейинги ҳомиладорликларга қарши кўрсатмалар бўйича хушмомалалик билан яхши маслаҳатлар берилиши лозим.

Презклампсия

Презклампсия мультисистемали касаллик бўлиб, оналар ва неонатал касалланиш ҳамда ўлимнинг юқори бўлиши билан бирга кечади. Ҳар бир регионда касалликнинг диагностикаси учун қўлланиладиган стандартларга кўра, презклампсиянинг учраш тезлиги 2 дан 10%гacha ўзгаради. Она томонидан оғир презклампсия белгиларига қўйидагилар кириши мумкин:

- бош оғриги
- кўришининг бузилиши (*кўз ўнгидан лип-лип ўтиши*)
- эпигастрал соҳада оғриқ
- кўнгил айнаши

Юз, қўл ва оёқда тўсатдан тез шииш пайдо бўлиши



Таъриф

Ҳозирги кунда, кўп мамлакатларда ҳомиладорликдаги гипертензив ўзгаришлар учун қўйидаги таърифлар қабул қилинган.

Презклампсия - ҳомиладорлик муддатининг 20 хафталигидан кейинроқ даврида, биринчи марта юқори қон босими, протеинурия билан бирга аниқланнишга айтилади.

Ҳомиладорлик туфайли келиб чиқкан гипертензия – биринчи марта ҳомиладорлик даврида аниқланган, одатда туғруқдан кейин ўтиб кетадиган, бироқ протеинурия билан бирга кузатилмайдиган ҳолат.

Сурункали гипертензия - ҳомиладорлик давригача бўлган ёки ҳомиладорлик муддатининг 20 хафталигигача аниқланган гипертензия.

Бунақа таснифлаш (классификация), ҳомиладорлик натижаларини олдиндан айтиб бериш учун қулай.

Ҳомиладорлик даврида гипертензияси бор аёлларнинг кўпчилигига шикоятлар бўлмайди. Кўпинча, гипертензия оғир қасалликни олдиндан кўрсатувчи ягона белги бўлиши мумкин. Антенатал клиникаларда, ҳамма учун ўтказиладиган артериал босимни ўлчаш, ўзгаришларни у ёки бу турларга киритиш ва тўғри ташхис қўйилишига имкон туғдиради.

Йўлдошнинг бирламчи ишемик заарланишидан кейин, эндотелиал хужайраларнинг салмоқли ўзгаришлари туфайли преэклампсия келиб чиқади деб ҳисобланади. Гипертензия ва протеинурия – иккита осон ва тез аниқланадиган белги бўлиб, аъзоларнинг чукур заарланишини кўрсатадиган “суррагат” маркерлар ҳисобланади.

Эклампсия, гестация жараёниннинг кам учрайдиган асорати ҳисобланади. Бу патология, оналар ўлими юқори бўлиши билан бирга келади ва ҳомиладорлик даврида гипертензив ўзгаришлар туфайли 50% аёллар ўлимининг сабабчиси ҳисобланади.

Эклампсия ривожланишини олдиндан айтиб бериш учун, артериал босимни ўлчаш, чекланган имкониятга эга, чунки аёлларда 1/3 ҳолатларда, биринчи хуруж меъёрий ёки сезилмас босим қўтарилиши билан бошланади.

Бир вақтлар, Цангемейстер учлик белгиларига кирган шишлар, ҳомиладорларнинг 80%да учрайди, шу туфайли преэклампсия маркерларидан бу белги чиқарилган.

Ҳомиладорлик даврида артеал босим кўрсаткичининг физиологик ўзгаришлари

Ҳомиладорлик меъёрий кечганида, ҳомиладорликнинг биринчи ярмида артериал босимнинг пасайиши, кейинчалик эса, босим, ҳомиладор бўлмасдан олдинги даражаларгача тушиши кузатилади.

Сурункали гипертензияси бор аёллар ҳомиладорликнинг 10-13 хатасигача, меъёрий АБ кўрсаткичига эга бўлишлари мумкин. Айнан шу вақтда, антенатал парвариш бошланишига эътиборни қаратиш керак.

Ҳомиладорлик даврида гипертензияни аниқлаши:

Қон босими ўзгариши мумкин ва мутлоқ барқарор кўрсаткич ҳисобланмайди. Меъёр чегараси, қон босими меъёрий ва юқори бўлган аёлларга кўра бўлинади. Артериал босим тўрт соат оралиғига икки марта ҳам, кўрсаткич 140/90 мм симоб устунида аниқланганида, юқори қон босим деб ҳисобланади. АБ нинг бунақа кўрсаткичлари, юқори перинатал ўлимга олиб келади. Бироқ, 20% аёллар, ҳомиладорлик мобайнида 1 марта бўлса ҳам АБнинг шунақа кўрсаткичларига эга бўладилар, аммо фақат 2-4% ҳомиладорларда преэклампсия ривожланади.

Преэклампсия ривожланиш хавф факторларини баҳолаш

Преэклампсия ривожланиш хавфига кекса ёш, узоқ интергенетик интервал, анамнезида преэклампсия, кўп ҳомилали ҳомиладорлик бўлиши, генетик мойиллик, биринчи антенатал ташрифда тана вазн индекси кўрсаткичининг юқори бўлиши, кичик томирларга зарар етказадиган гипертензия, қандли диабет ёки бошқа ҳолатларнинг бўлиши киради.

Антенатал ташрифлар сони контексида, преэклампсия ривожланиш хавфининг умумий даражаси, шифокор томонидан биринчи ташрифда баҳоланиши керак, ва шунга кўра ташрифлар сонига ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Кўйида келтирилган ҳолатларнинг бирортасига тушадиган аёлларни, юқори хавф гурухига киритиш керак. Бу мижозларнинг қон босими, диққат билан ва тез-тез мониторинг қилиниши лозим:

- биринчи ҳомиладорлик (имкониятлар кўрсаткичи 2.71, 95% ишончли интервал 1.16дан 6.34гача)

- 40 ёшдан катта:

биринчи ҳомиладорлик (имкониятлар кўрсаткичи 2.71, 95% ишончли интервал (1.36 дан 3.47).

қайта ҳомиладор бўлганлар – имкониятлар курсаткичи 2.05, 95% ишончли интервал (1.47 до2.87).

- оила анамнезида преэклампсия (яъни онаси ёки опасида преэклампсия), имконият кўрсаткичи 5.27, 95%

- анамнезда преэклампсия (биринчи ҳомиладорликда преэклампсия) – имконият кўрсаткичи 8.23, 95% ишонч интервали (6.49 дан 10.45гача).

- биринчи антенатал ташрифда тана вазн индекси 35 кўп - имконият кўрсаткичи 2.29, 95% ишонч интервали (1.61 дан 3.24)

- куп ҳомиладорлик - имконият кўрсаткичи 2.76, 95% ишонч интервали (1.99 дан 3.82)

- томирлар микроциркуляциясининг бузилишига олиб келадиган патологияларнинг бўлиши (диабет, гипертензия).

Протеинурияга пешоб таҳлили

Асоратланмаган ҳомиладорликда пешоб орқали оқсил ажралади ва 24 соатда 300мг камроқ оқсил йўқотилиши патология ҳисобланмайди. Даврий равишда олинган пешоб синамаларида, оқсилнинг пешоб орқали эҳтимол физиологик кўп ажралиши натижасида, унинг концентрацияси юқори бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳомиладорлик ҳолатида, преэклампсия ёки буйрак касалликлари ривожланиши туфайли, протеинурия вақтинчалик ҳодиса бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда протеинурия, туғрукдан кейин маълум бир вақтдан сўнг йўқолади, иккинчи

Оқсилларнинг сезиларли йўқотилиши, буйрак паренхимасининг заарланиш даражаси билан тўғридан тўғри боғлиқ.

Ҳомиладорлик даврида протеинуриянинг ифодаланиш даражасини баҳолаш учун асосий тест бўлиб, 24 соат давомида оқсилни пешоб орқали ажратилган миқдорини аниқлаш ҳисобланади. Протеин - креатинин индексини аниқлаш, алтернатив ёндашув ҳисобланиши мумкин.

24 соат давомида оқсилнинг пешоб билан ажратилган миқдори 500мг ошганда, ҳомиладорликнинг натижаси салбий тугашига олиб келиши мумкин.

ҳолатда эса туғрук давридан кейин ҳам сақланиб қолади.




Вақтидан ўтган ҳомиладорлик

Илмий нашрларнинг маълумотларига кўра, ҳомиладорлик муддатини баҳолаш учун ўтказиладиган критерийлар, режали туғдиришни ўтказиш тезлигига асосан, вақтидан ўтган ҳомиладорлик 4 дан 14% гача учраб туради.

Кўп ҳолатларда, вақтидан ўтган ҳомиладорлик туғдириш усули қандай бўлишига қарамай, меъёрий ҳомиладорлик каби яхши натижалар билан тугайди. Кам фоизларда, вақтидан ўтган ҳомиладорлик натижаси перинатал ўлим ва эрта неонатал даврдаги талвасалар хавфининг юқори бўлиши билан тугайди.

Ҳомиладорликнинг эрта даврларида ультратовуш текшириш усули орқали ҳомиладорлик муддатини тўғри аниқлаш, вақтидан ўтган ҳомиладорлик ташхиси нотўғри қўйилиб, асоссиз туғдириш ҳолатлар эҳтимолининг камайиш имконини беради.

Ҳомиладорликнинг 41 хафталигидан сўнг туғдириш перинатал ўлим хавfinи камайтиради, шу билан бирга, ҳар бир 500та туғруқнинг биттасида ҳомила ўлимининг олди олинади. Ҳаммани туғдириш, қофаноқ сувида меконий пайдо бўлиш хавfinи камайтиради ва бирор бир жиддий асоратларга сабаб бўлмайди. Вақтидан ўтган ҳомиладорлика, туғдиришнинг қузғатиш усули мос бўлган ҳолатларда, оз бўлсада кесар кесиш хавfinинг камайишига олиб келиши мумкин.



Ҳомиладорликнинг 41 хафтасигача туғдиришнинг ҳеч қанақа афзалликлари йўқ, фақат амниотик суюқликда меконий ажralиш сонини бир оз камайтириши мумкин. Ҳомиладорликнинг 41 хафтасида режали туғдириш ўтказилганида перинатал ўлимнинг камайишига олиб келади. Ҳомиладорликнинг 40-41 хафтасида, кўп ҳолатларда ҳамма физиологик ҳомиладорликларни туғдиришга кўрсатма йўқ ва тавсия қилиниши мумкин эмас.

Вақтидан ўтган ҳомиладорлика, ҳомилани кузатиш бўйича аёлга тасия қилинадиган усулларнинг далилийлиги сезилмас эканлиги ҳақидаги маълумотдан шифокорлар, доя ҳамда аёлнинг қариндошлари хабардор бўлишлари керак. Туғдириш учун қўлланиладиган кузғатиш усулларидан фойдаланилганида перинатал ўлим хавfinинг пасайиши ҳақида аёлга тўлиқ маълумот бериш, энг яхши усул бўлиб ҳисобланади. Ҳомиладорликнинг давом этиши, тўлиқ 41 хафталик бўлганида, туғдиришни танлаган аёлларга самарали ва қулай усуллар таклиф қилиниши лозим.

Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида кузатиладиган қон кетишилар

Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида кузатиладиган қон кетишилар, ҳозирги кунда оналар ва перинатал ўлимнинг, шунингдек оналар ва гўдаклар касалланишининг асосий сабабчиси бўлиб қолмоқда. Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида қон кетиши кузатиладиган аёлларнинг тахминан ярмида, меъёрий жойлашган йўлдошнинг кўчиши ёки олдин келиши туфайли келиб чиқади. Қолган ярми, аниқ ташхисларга эга эмас.

Йўлдошнинг кўчиши

Йўлдошнинг кўчиши ёки ретроплацентар қон кетиш, ҳомила ривожланиш нуқсонлари кузатилмайдиган перинатал ўлимнинг энг асосий сабабчиларидан биттаси ҳисобланади.

Йўлдош кўчишининг вақтида аниқланган ташхислар сони сезиларли даражада ўзгариб туради ва фойдаланиладиган диагностик усулларга боғлиқ бўлади. Йўлдошнинг кўчиши туфайли, ушбу патология 1000та ҳолатларда ривожланганда, 300таси перинатал ўлим билан тугаши кузатилади. Перинатал ўлимнинг ярмидан кўп ҳолатлари, ҳомиладор аёл шифохонага етиб келишигача рўй беради. Ҳомила ўлими, кўп ҳолатларда муддатидан олдин туғдириш амалиёти ўтказилмаслиги туфайли келиб чиқади. Тирик қолган болалар ўртасида респиратор дистресс-синдром, Баталов йўлининг очиқлиги, Апгар шкаласи бўйича баҳолаш кўрсаткичининг паст бўлиши ва камқонлик ҳолатларининг учраш тезлиги кўп кузатилади.

Клиник кўриниши

Йўлдошнинг кўчиши ҳомиладорликнинг ҳар қандай даврида кузатилиши мумкин. Бу ҳолатни, ташқи қон кетиш белгиларининг бўлишидан қатъий назар, қоринда оғриқ борлигидан ҳомиладор шикоят қилганида унутмаслик лозим. Йўлдошнинг кўчиш майдони кичик бўлганда белгилар кўринмаслиги мумкин. Катта майдон кўчганда эса, ташқи жинсий аъзолардан кўп қон кетиши ёки агар, қон бачадон бўшлиғида тўпланса, абдоминал таранглик белгиси кузатилади.

Бачадон гипертонусининг пайдо бўлиши, жиддий йўлдош кўчиши белгиси ҳисобланади ва одатда ҳомила ўлими билан тугайди. Бунда аёл кучли оғриқ сезади, гиповолемик шок ривожланиши мумкин. Тромб ҳосил бўлиш белгисининг бузилишларига қиндан келадиган қонда лаҳталарнинг бўлмаслиги, милкларнинг шунингдек инъекция қилинган жойларнинг қонаши ҳамда гематурия киради.

Туғруққача қон кетишларнинг дифференциал диагностикасида ультратовуш текшириши муҳим рол уйнайди. Бу текширишда йўлдошнинг жойлашишини аниқлаш мумкин бўлади. Йўлдошнинг паст жойлашиши, унинг олдин келишига шубҳа уйғотади. Йўлдош бачадоннинг орқа деворида жойлашган бўлса ва аёлдаги оғриқ белга берилса, йўлдошнинг кўчганлигидан далолат беради. Бироқ, ретроплацентар гематома ташхисини ҳатто ультратовуш текшириши орқали қўйиш ҳам анча муракаббdir.

Олиб бориш тактикаси

Йўлдошнинг кўчган жойи оз майдонни эгаллаган бўлса, белгилар билинмайди. Агар, ташқи қон кетиш кузатилганда ҳам, у тез тухтайди ва ҳомила ҳолатининг бузилиш белгилари кузатилмаслиги мумкин. Бунда, аниқ бир ташхис қўйиш қўпинча мумкин бўлмайди. Бундай ҳолатларда, аниқ этиологияга эга бўлмаган қон кетишлар каби, аёлни маълум вақт кузатиб, бирор бир жиддий хавфлардан кўрқмасдан уйига жавоб бериш мумкин.

Йўлдош кўчишининг ўртача ва оғир даражаларини даволашда, қон ўрнини тўлдириш ва анальгезия ўтказиш, муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Айланиб юрган қон хажмини тиклаш ва тез туғдириш, даволашнинг асоси ҳисобланади. Бунақа аёлларда айланиб юрган қонни тиклаш учун, анъанавий бўлган қон препаратларини қутишга мурожаат қилишади. Бундай ҳолатларда қон куйишдан олдин, кристаллоид эритмаларини киритиш мақсадга мувофиқdir. Қон ивиш

факторларини түлдириш мақсадида, янги музлатилган зардобнинг бир ҳажмига қуиладиган эритроцитларнинг тўрт-олти ҳажми ҳисобидан киритиш усулидан фойдаланиш, асосланган ҳисобланади. Зардоб ўрнини босувчилар, яъни оқсил, декстрон, желатин ва крахмал эритмалари қарама-қарши реакцияларни чақириши мумкин. Декстран, *in vivo* тромбоцитлар фаолиятини бузиши ва кесишган *in vitro* реакциясини чақириши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Қон ивишининг ўзгаришларини баҳолаш, алоҳида эътиборни талаб қиласи, гарчанд, бу ўзгаришларнинг клиник кўринишлари, агар ҳомила тирик қолса, кам намоён бўлади. Томир ичида қон ивишининг диссеминирланган синдроми, одатда туғдиришдан сўнг ўтиб кетади.

Агар ҳомила тирик бўлса, ҳомилага муҳимлигини эътиборга олиб, унинг етилганлигини ҳисобга олиб туғдириш масаласи кўриб чиқилиши лозим.

Яқиндаги тадқиқотлар, қин орқали туғдиришда, туғиши қузғатиш ёки ҳомила юрак фаолиятини доимий қузатиш билан бирга туғруқ фаолияти окситацин билан стимуллаганди, ҳомиладорлик асоратлари ва туғдиришни кесар кесиши амалиёти орқали ўтказилиш тезлигини 50% камайтириб бериши ҳамда перинатал ўлимга таъсир қилмаслигини кўрсатган.

Йўлдош қўчишининг оғир даражаларида ҳомила ўлган бўлса, агар кесар кесиши амалиётига мутлоқ акушерлик кўрсатмалари бўлмаса, масалан, ҳомиланинг кўндаланг жойлашиши, уни қин орқали туғдириб олиш мумкин. Туғруқлар қўзғатилиши, керак бўлса окситацин ёки окситацин етарли бўлмаса простогландинлардан фойдаланиб, тезлаштирилиши лозим. Қачонки, туғруқ фаоллиги етарли бўлмаса ёки қон йўқотилишини назорат қилишнинг имкони йўқлигини кўрсатувчи белгилар пайдо бўлганда кесар кесиши амалиёти ўтказилади. Коагуляция тизимининг етарли бўлмаслиги кўринади ва қоидага кўра, аёл ҳаёти хавф остида қолади.

Агар, аёлда томир ичи қон ивишининг диссеминирланган синдроми ҳолатида кесар кесиши амалиётини ўтказиш керак бўлса, анестезиолог ва гематолог маслаҳатидан сўнг ўтказилади. Қон ҳажми ва трансфузияси, музлатилган зардоб ҳамда прокоагулянтларни тиклаш, жарроҳлик аралашувидан олдин ва аралашув жараёнида ўтказилиши керак.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, тиббий ҳодимларнинг қўпол хатоси бўлиб, етарли қон заҳираси, қон ўрнини босувчи препаратлар, керак бўлганда жарроҳлик аралашувини ўтказишнинг иложи йўқлиги ёки гиповолемик шок, қон ивишининг бузилиши ҳолатларида жадал даволашни олиб борувчи ўқитилган малакали тиббий ҳодимлар бўлмаганда, йўлдоши кўчган аёлларни қин орқали туғдиришлари ҳисобланади.

Ҳар қандай жиҳозланган шифохона, аёл шифохонага мурожаат килганида ҳомила тирик бўлса, ғамхўрлик билан туғдириш ва онада тез, жадал даво бошлаш учун барча шароитларни яратиб бериши лозим. Бунақа ҳолатларда ҳомиланинг тирик қолиши, кўпинча, ушбу туғруқ ёрдамини кўрсатадиган маскандаги неонатал ёрдамга боғлиқ бўлади.

Йўлдошнинг олдин келиши



Йўлдошнинг олдин келиши, бачадон бўйнининг ички соҳасида йўлдошни тўлиқ ёки қисман жойлашишига кўра аниқланади. Ушбу патология 0,5% ҳолатларда учрайди, бундай ҳолатларда қон кетиши ўлим ва касалланишнинг асосий сабабчиси ҳисобланади. Йўлдошнинг олдин келиши ҳолатларида учрайдиган перинатал ўлим кўрсаткичи, замонавий туғдириш усуслари орқали шунаقا 1000 та асоратли ҳомиладорликлар бўлганда 50-60 ҳолатларгача камайтирилишига эришилди.

Клиник кўриниши

Йўлдошнинг олдин келишининг кам ҳолатларида қон кетиши кузатилмайди, ва бу фақат 2%ни ташкил қиласди. Туғруқ фаолияти белгилари ва ҳар қандай оғриқ белгиларисиз жинсий йўлларда қонли ажралмаларни келиши, йўлдошни олдин келишининг одатий белгиларидан ҳисобланади. Бу ҳолатларда учрайдиган асоратларнинг 1/3 ҳолатлари ҳомила нотўғри жойлашиши туфайли келиб чиқади, яъни кўндаланг, думба билан, қийшиқ ёки ўзгарувчан. Бош билан келганда олдинга келган қисм албатта юқори жойлашади ва кўпинча ўрта чизиқдан озроқ оғган бўлади.

Биринчи қон кетиш белгиси пайдо бўлмагунича, йўлдошнинг олдин келганлиги ҳакида ҳеч қанақа клиник кўрсатмалар бўлмайди. Ҳомиладорликнинг иккинчи триместрининг бошида, ҳамма аёлларда ультратовуш текшириши ўтказилганида тахминан 5-6% ҳомиладорларда йўлдошнинг паст жойлашиши аниқланади. Ҳомиладорликнинг иккинчи триместрида ультратовуш текширишида аниқланган 90% ҳолатларда белгиларисиз кечган йўлдошнинг олдин келиши белгиларисиз қолаверади ва кейинчалик, ҳомиладорликнинг учинчи триместрида бачадон пастки сегментининг анатомик ўзгариши туфайли йўлдош меъёрий жойлашган ҳолатда учрайди.

Ҳомиладорликнинг биринчи ярмида йўлдошни паст жойлашиши ёки олдин келиши ультратовушда аниқланган бўлса, улар ҳомиладорликнинг 30-32 хафтасида албатта ультратовуш текширишидан яна бир бор ўтишлари шарт. Ушбу ультратовуш текширишида ҳомиладорликнинг 32 хафтасидан сўнг ҳам йўлдошнинг олдин келиши ташҳиси қўйилса, тиббий ёрдам кўрсатиш режаси ишлаб чиқилиши лозим.

Олиб бориши тактикаси

Йўлдошнинг олдин келишига озроқ шубҳа бўлганида ҳам, қин орқали текшириш мумкин эмас, агар қон кетиш ривожланса ёки ҳомила етарли етилганда режали жарроҳлик туғдирилиши мақсадида, мижоз жарроҳлик столида ётган ҳолатларидан ташқари. Хавфли қон кетишлар, кўпинча асосланмаган акушерлик аралашувлари натижасида (яъни қон кетиши борлиги айтилганида ёки қон кетаётган вақтда цервикал канални бармоқлар орқали текшириш) келиб чиқади. **Бунақа ҳолатларда ректал текширишлар қин текширишларидан ҳам хавфлироқ ҳисобланади.**

Агар қон кетиши тўхтаса ёки камайса, ташҳисни ультратовуш текшириши орқали тасдиқлаб олиш керак. Ҳомиладор аёлда меъёрий жойлашган йўлдош

бўлганда узок, қиммат, руҳий оғир ва шифохонага кераксиз ётқизилишларни олдини олиш учун йўлдошнинг олдин келишини эрта ва тўғри аниқлаш муҳимдир.

Кутиш тактикасининг мақсади ҳомила туғилганда яшаш кафолати бўлгунига қадар, ҳомиладорлик муддатини узайтириш усули орқали вақтидан олдин туғруқлар сонини камайтиришdir. Бу ҳолат ҳомиладор аёлларга ташхис кўйилганидан туғруқ бўлгунича, она ва болага тез ёрдам кўрсата оладиган, яхши жихозланган туғруқхонага мижозни ётқизилишини талаб қиласди.

Кутиш тактикаси олиб бориладиган ҳолатларда, вақтидан олдин туғруқ ривожланиши, кўп ҳолатларда йўлдошни олдин келиши билан бирга келади. Она ва ҳомиланинг ҳолати доимо назорат остида бўлиши керак. Онада камқонлик ривожланишига йўл қўймаслик лозим. Унинг гемоглобинини гемостимуляцияли даво, керак бўлганда – гемотрансфузия йўли билан, меъёрий даражада ушлаб туриш зарур.

Резус манфий аёlda, ҳар бир қон кетишдан сўнг, ҳомила эритроцитларининг антителасини аниқлаш учун тест ўтказиш ва олдини олиш мақсадида анти- D иммуноглобулин тавсия қилиниши керак.

Кутиш тактикасини ҳомиладорликнинг 37 хафталигигача олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, бироқ, амниоцентез ёрдамида олинган амниотик суюқлик таҳлили ўтказилиб, ҳомила ўпкасининг етилганлик даражаси маълумоти олингач, 34 хафтадан сўнг режали туғдириш ўтказилиши мумкин.

Туғдириш

Агар ҳомила ривожланган бўлса ва бачадондан ташқарида яшай олса, йўлдошнинг ёnlама олдин келганида ҳам табиий йўл орқали туғдиришга кўрсатма бўлмайди. Вагинал туғдириш хавфи шундаки, бачадондан профуз қон кетишлар, ҳомила нотўғри жойлашиши, киндик тизимининг тушиши ёки қисилиши, вақтидан олдин йўлдошнинг кўчиши, ҳомиладан қон кетиш ва йўлдошнинг бачадон орқа деворида жойлашиши туфайли бачадон бўйни дистоцияси ривожланиши мумкин.

Агар, ҳомила ташқи ҳаёт муҳитида яшай олиш муддатига етган бўлмаса, туғма нуқсонлар ёки ҳомила ўлган бўлса, унда қин орқали туғдириш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

Бунақа ҳолатларда, табиий йўл орқали туғдириш фақат дори-дармон, жихоз ва тажрибали мутахассислар бор бўлган шифохонада олиб борилиши лозим.

Бачадон ичидаги ҳомила ўсишининг чегараланиши(БИХЎЧ)/гестацион ёши учун вазни кам ҳомилалари ҳомиладорларни олиб бориши

50-70% гестацион ёш учун тана вазни кичик ҳомилалар конституционал хусусиятларга эга, бироқ соғлом бўладилар. Бу категориядаги ҳомилаларнинг 10-15% ҳақиқатдан ҳам бачадон ичи ривожланишининг чегараланишларига эга, қолган 5-10% эса, хромосом/тузилиш нуқсонлари ёки бачадон инфекцияси кузатилади.

БИХЎЧ перенатал касалланиш ва ўлим билан, тирик қолган ҳомилаларда кейинчалик салбий оқибатларнинг кузатилиши билан бирга қўшилиб келади. Янги далиллар бунақа чақалоқларда катта ёшли бўлганда юрак, иккинчи турдаги қандли диабет, инсульт, гипертензия ва остеопороз ривожланишини таъкидламоқда.

Акушерлик тактикасининг мақсади – бачадон ичи гипоксиясининг жиддий ривожланиши билан бирга келадиган БИХЎЧни аниқлаш, ҳолатни кузатиш, салбий натижалар билан тугаши аниқ бўлганда туғдиришdir.

Бачадон ичидаги ҳомила ўсишининг чегараланиши аниқлаш:

Lubchenco ва бошка муаллифлар томонидан 1963 йилда ўтказилган тадқиқотлари шуни кўрсатдики, чақалоқлар туғилганида уларнинг тана вазнини таснифлаш (перцентил асосида) олдиндан айтиш афзаликларига эга, чунки, бутун ҳаёти давомида салбий натижалар хавфи ривожланиши мумкин бўлган БИХЎЧ бор чақалоқларни аниқлашда ёрдам беради.

Хозирги кунда чақалоқлар таснифи қуидагича:

- Ушбу гестацион муддат учун жуда кам вазн/масса (перцентилнинг уч қисмидан кам),
- Ушбу гестацион муддат учун кам вазн/масса (10 перцентилдан кам),
- Гестацион муддатига мос вазн/масса (10 дан 90 перцентил),
- Гестацион муддат учун катта вазн/масса (90- перцентилдан юқори)

Ҳомиланинг бачадон ичидаги ривожланишидаги ўзгаришларнинг кейинги текширишлари, онанинг бўйи, миллати, жинси, ҳомиланинг меъёрий биометрик маълумотлари асосида олиб борилиши лозим.

Чақалоқ меъёрий вазнга эга бўлиши мумкин, бироқ, шу билан бирга потенциал бўйига нисбатан кам ҳолат аниқланиши мумкин.

Салбий перинатал натижаларни олдиндан айтишда, одатий меъёрий кийматдан кўра перцентилли эгри бўй кўрсаткичлари ишончли ҳисобланади.

Бачадон ичидаги ҳомила ўсишининг чегараланиш сабаблари

Она томонидан	Йўлдош томонидан	Ҳомила томонидан
<p>Етарли овқатланмаслик Онада, туғилганида кам вазнлик Онада вазн кам қўшилиши Онанинг ёши 16 ёшдан кичик Ижтимоий-иктисодий аҳволнинг пастлиги Паритет Экстрагенитал касалликлар Сурункали гипертензия Тизимли қизил волчанка Презклампсия Томирлар заарланиши билан кечадиган диабет Буйрак касалликлари Атроф мухит факторлари Зараарли одатлар – чекиш, алкогол, наркотиклар юқори тоғ зоналарида яшаш Нурланиш</p>	<p>Патологик плацентация Сурункали қўчиш, инфарктлар, фокал заарланишлар Сурункали яллиғланиш ҳолатлари (виллит) Ягона киндик артерияси, томирларнинг қобигли бирикиши, плацента геманигиомаси Тасдиқланган йўлдошли мозаицизм</p>	<p>Хромосом нуқсонлар Генетик ўзгаришлар Туғма нуқсон ривожланиши Ҳомила ичи инфекцияси Кўп ҳомилали ҳомиладорлик</p>

Бачадон ичидаги ҳомила ўсишининг чегараланиши хавф факторлари

Она томонидан	Йўлдош томонидан	Она томонидан
<p>Сўнгги акушерлик ёши Бепуштлик туфайли даволаниш Овқатланиш: етарсиз энергия ва овқат тушиши Семизлик ва жуда катта тана вазни Заарали одатлар - чекиш, наркотиклар, кофеин, алкоголь Ортиқча жисмоний зўриқиши жиддий экстрагенитал касалликлар Анамнезда, бачадон ичидаги ҳомила ўсишининг чегараланиши билан туғилган болалар</p>	<p>Кичик ўлчовлар Ҳомиладорлик даврида кон кетишлар Мозаицизм Томирлар/киндик тузилишида нуқсонлар Ҳомилада артериал тромбозлар Йўлдошда ўсмалар</p>	<p>Генетик/хромосом нуқсонлар Ривожланиш нуқсонлари Инфекция Кўп ҳомилали ҳомиладорлик</p>

Ташхис

Ушбу гестацион муддат учун кам вазнили ҳомилаларни аниқлаш усулларига куйидагилар киради:

- Қоринни пальпация қилиш
- Бачадон туби баландлигини ўлчаш
- Ультратовушли биометрия
- Ҳомила вазнини ультратовушда баҳолаш
- Допплерография

Ҳомиладорлик муддатини аниқлаш

Охирги ҳайз муддати бўйича ҳомила муддатини аниқлаш, охирги ҳайзнинг биринчи куни аниқ маълумлигини ва овуляция тахминан ҳайз даврининг 14 кунида рўй берганини тахмин қиласди.

Охирги ҳайзнинг биринчи кунини аниқлашда қўйиладиган хатоликлар мижозларнинг эсидан чиқиб қолиши ёки бошқа ҳар хил сабаблар туфайли келиб чиқади.

Шунингдек фолликуляр фаза ўзгарувчан бўлиб, 7 кундан 21 кунгacha давом этиши мумкинлигини эътиборга олиш лозим.


Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида УТТ орқали гестацион муддат тўғри аниқлаш мумкин. Хатолик 5 кундан ўтмайди. Ҳомиладорлик муддати 11-14 хафталик бўлганда УТТ ўtkазилиши керак. Шу вактда ривожланмаган, эктопик (нуқсонли), кўп ҳомилали ҳомиладорликни ҳамда ҳомила анатомиясини баҳолашнинг эрта диагностикасини ўтказиш мумкин.

Бачадон туби баландлигини ўлчаш

Ҳар бир антенатал ташрифда бачадон туби баландлигини ўлчаш лозим. Онанинг бўйи ва олдинга келган қисм ҳолатига айrim тўғирлашлар киритиш

шарти билан, гестациянинг 20 хафтасидан сўнг бачадон туби баландлиги (см да) гестацион муддатга мос (хафталарда) бўлади.

Бачадон ўсишида чегараланишларни аниқлаш учун сезгирилик 60-85% ташкил қиласди. Ижобий олдин айтиш аҳамияти 20-80%. Шундай қилиб, бачадон туби баландлигини ўлчаш – ҳомиланинг бачадонда ўсишининг чегараланишларини аниқлаш учун ёмон скрининг усули ҳисобланади, бироқ унинг арzonлиги, шунингдек кейинги ультратовушли биометрик баҳолаш билан бирга олиб борилиши уни актуал ҳамда чегараланган манбалар бўлган ҳолатларда тавсия қилинадиган усул деб ҳисоблаш имконини беради.



ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВРИДА ДОРИ ДАРМОНЛАРНИ ТАВСИЯ ҚИЛИШ

Ҳомиладорлик даврида дори дармонларни тавсия қилишининг умумий тамойиллари

Ҳомиладор аёлларга дори дармонларни тавсия қилишда эътиборга олиш керак бўлган учта умумий тамойил мавжуд:

1. Узок қабул қилинувчи дори дармонларнинг самаралилиги ва хавфсизлигини баҳолаш лозим.
2. Касалликни (сурункали ёки ўткир) даволамаганда (ёки самарааси кам усулни қўллаш) бўладиган хавф билан даволашни давом эттирганда бўлиши мумкин бўлган хавфни таққослаш керак.

3. Ҳомиладорларда қўлланиладиган барча дори дармонлар аниқ таърифга, фойдаланиш учун кўрсатма, даволаш давомийлиги, кутиладиган натижалар, шунингдек қандайдир белгилар ёки кўринишлар рўй берганда дорини бекор қилиш учун кўрсатмаларга эга бўлиши лозим.

Бундан ташқари ҳомиладорларни даволаш учун дори дармонларни танлашда куйидаги умумий қоидалар:

1. Антибиотиклар билан даволашга кўрсатмалар бўлганда, аввало пенициллин, цефалоспоринлар (cefotetандан ташқари), клиндамицин ва макролидлар гурухидан бошлиш лозим. Сульфаниламид (биринчи триместрда

тавсия қилишга қарши күрсатмалари бор), фторхинолон, тетрациклин ва аминогликозидлар (оттотоксик таъсирга эга) тавсия қилинмаслиги керак.

2. Анальгетикларни танлашда ацетоаминофен тавсия қилиниши, оғир ҳолатларда эса – наркотик анальгетикларни қўриб чиқиш керак. Наркотик анальгетиклар қисқа вақт қабул қилинганда ҳам, йўлдошдан ўтиб ҳомилага таъсир қилиши мумкинлигини унутмаслик лозим. Наркотик воситаларини узоқ қўллаш ёки ундан кўп фойдаланиш, чақалоқларда уйқучанлик ва жуда ланж ҳолатга олиб келади. Туғруқ тугашига оз қолганида наркотик анальгетиклар киритилганида, чақалоқларда нафас қийинлигига сабаб бўлади. Аспирин (оғриқ қолдирувчи миқдорлари) ва нестериоид яллиғланишга қарши дориларни (НЯКД ҳомиладорликнинг якуний даврларида тавсия қилишга қарши кўрсатмалари бор) тавсия қилмаслик лозим.

3. Артериал гипертензияни даволаш учун, лабеталол, метилдофа ва гидралазин қўлланилиши мумкин (айрим β – блокаторларни тавсия қилиш ҳомилага салбий таъсир қилиши гемодинамика ҳамда бачадон ичидаги ўсишининг бузилишларига сабаб бўлиши мумкин). Ангиотензин рецепторларининг блокаторлари ва ферментларига айланадиган ангиотензин ингибиторлари ҳомиладорлар учун, қарши кўрсатмаларга эга (шунинг учун тавсия қилинмайди).

4. Қандли диабети бор ҳомиладор аёллар ҳолатни яхшилаш учун инсулин олишлари керак, қандни пасайтирувчи оғиз орқали қабул қилинадиган дорилар истисно қилиниши лозим.

5. Кўнгил айнаш, қайт қилиш кузатиладиган ҳомиладорлар доксиламин ва пиридоксин, ёки хлорпромазин олишлари мумкин.

6. Гастрит ва ошқозон яраси бор ҳомиладор аёлларга гидроокис магнезия, алюминий, кальций карбонат, висмут препаратларининг тавсия қилинишини кўриб чиқиш керак.



Сурункали касалликлар

Айрим мижозлар ҳомиладор бўлишдан олдин сурункали касалликлар билан касалланган бўладилар. Бу касалликларни даволаш дори дармонларни тавсия қилишни талаб қиласди. Ҳомиладор бўлгач, дори дармонларнинг хавфсизлиги ва самарадорлиги саволларини кўриб чиқиш муҳим хисобланади.

Ҳомиладор бўлишдан олдин сурункали касалликларни ҳомиладорликка, ҳомиладорликни сурункали касалликларга таъсири саволларини кўриб чиқиш керак. Айрим ҳолатларда ҳомиладор бўлишни кечикитишишга, касаллик ремиссия ҳолатига ўтишини кутишга тўғри келади ёки касаллик кечишини кузатиш имконини берадиган стабил бўлмайди. Бошқа ҳолатларда ҳомиладор бўлишга қарши кўрсатмалар йўқ.

Бироқ амалиётда ҳомиладорлик бошланиши ва ривожланиши билан бирга сурункали касалликлар учун даво ўтказишни бошлаш ҳам керак бўлади. Биринчидан ҳолатнинг ўзи учун ва унинг давоси она соғлиғи учун хавфсиз эканлигига баҳо бериш лозим. Ҳомиладор аёл ҳаётига хавф соловчи патологик жараёнлар, хатто ҳомиладорлик давом эттирилса ҳам даволаш давом этишини талаб қиласди. Иложи борича кўпроқ хавфсиз бўладиган ва бир хил самара берадиган альтернатив усуллар танлашини лозим.

Қандайдир сабабларга кўра хавфсиз альтернатив усуулардан фойдаланишнинг иложи бўлмаса, шифокор мижоз билан бирга ҳомиладорликни давом эттиришнинг ҳамда ҳомиладорлик туфайли сурункали касалликларни даволашни тухтатиш хавфи хақида сұхбат ўтказиши ва иккала ҳолатни таққослаши лозим. Маълумотли танлаш имконини бериш учун, мижозларга ҳомиладорликнинг кейинги кечими ва ривожланаётган ҳомилага, айниқса аъзолар ривожланиш даврида ўтказиладиган давонинг таъсири хақида тўлиқ маълумот бериш лозим. Ҳар қандай ҳолатларда ҳам мижозлар билан тиббий ходимлар, ҳар бир мижознинг клиник ҳолатини ҳисобга оладиган индивидуаллашган танловга келишлари лозим.

Ўткир ҳолатлар

Ҳомиладор аёллар, ҳомиладор бўлмаган аёллар каби ўткир патологик ҳолатларга учрашлари мумкин. Ўткир патологик ҳолатли аёлларни олиб бориш тактикаси қарорини қабул қилиш, сурункали ҳолатларни олиб бориш қоидаларидан келиб чиқиши лозим.

Ушбу ҳолат, ҳомиладорликка салбий таъсир қўрсата оладими?

Танланган даволаш усули, ҳолатнинг салбий таъсирини камайтириш ёки ўқотишига қодирми?

Таклиф қилинадиган даволаш усулининг ҳомиладорликка ёмон таъсир қўрсатиш эҳтимоли борми?

Келиб чиқсан патологиянинг, ўрганилган ва хавфсиз даволаш усуслари мавжудми?

Ҳолатни даволамагандан бўлиши мумкин бўлган натижалари қанақа? Ушбу тактиканинг эҳтимолий оқибатлари қанақа?

Ҳолат, даволаш усуслари ва алоҳида ёндашиш бўйича тўлиқ маълумотга асосланган, чамалангандан танловга келиш учун, сурункали касалликлар ҳолатида мижоз ҳамда тиббий ходим ушбу муҳим саволларга қандай жавоб бериши керак.



Агар тиббий ходим қанақадир сабабларга кўра саволларга жавоб берга олмаса, мижоз юқори даражада ёрдам оладиган мутахассис ёки муассасага юборилиши лозим.

Шошилинч акушерлик ҳолатлари

Ҳомиладорлик, дори дармонларни талаб қиласидиган патологик ҳолатлар билан бирга кечиши мумкин. Тактика танланганда ўткир ҳолатларни тўлиқ олиб бориш тамойилларига амал қилиш лозим.

Агар келиб чиқсан ҳолат кенг тарқалган, мижозларни олиб бориш усуслари ишлаб чиқилган бўлса, тиббий ходимлар қарор қабул қилиш ҳамда ёрдам қўрсатишда қабул қилинган умумий қоидаларга амал қилишлари лозим.

Кам учрайдиган асоратлар бўлганда, тажрибали мутахассис маслаҳати керак бўлиши ва мижоз юқори даражада ёрдам қўрсатиладиган муассасага юборилиши мумкин.

Тератоген таъсири исботланган дорилар

Айрим дори дармонлар теротоген таъсирга эга эканлиги анча илгари аниқланган. Улардан кўп тарқалганлари, 2 жадвалда клтирилган.

2 жадвал. Инсонда теротоген таъсири исботланган дори дармонлар

Гурух	Препарат	Тератоген таъсир
Антибиотиклар	Аминогликозидлар	Карлик, вестибуляр аппарат заарланиши
	Тетрациклин	Суяк ва тишлар аномалияси
	Фторхинолонлар	Ҳайвонларда текширишлар - артропатия
	Сульфонамидлар	Гипербилирубинемия, керниктерус месоніум ileus
Антихолинэргик дорилар		
Антикоагулантлар	Варфарин	МНС ва скелет нүқсони, Dandy-Walker синдроми
Антиконвульсант-лар	Карбамазепин	Асад найчаси ривожланиш нүқсони
	Фенитоин	МНС нүқсони, ҳомила ривожланишининг кечикиши
	Вальпроевая кислота	Асад найчаси ривожланиш нүқсони
	Параметадион	МНС, юз ривожланиш аномалиялари
Антидепрессантлар	литий карбонати	Ebstein аномалияси, гипотония, сўриш рефлекси суст, гипорефлексия
Антигипертензив-лар	АПФ Ингибиторлар	Чақалоқларда узоқ вақт буйрак етишмовчилиги, калла суяги оссификация тмпининг пасайиши, буйрак каналчаларининг дисгенезияси
	β-блокаторлар	ривожланишнинг кечикиши, неонатал брадикардия, гипогликемия
Қалқонсимон безларининг гиперфункциясини даволовчи дорилар	Пропилтиоурацил	Ҳомила ва янги туғилган чақалоқда буқоқ, гипотиреоз
	Метимазол	Aplasia cutis, ҳомила ва янги туғилган чақалоқда буқоқ, гипотиреоз
	Цитостатиклар	МНС ва оёқ қўллар ривожланишида аномалиялар
	Циклофосфамид	МНС ривожланишида аномалиялар, иккиламчи ўスマлар
Диуретиклар	Фуросемид	Бачадонда қон айланишининг пасайиши, гипербилирубинемия
	Тиазидлар	Неонатал тромбоцитопения
Қандни камайтирадиган дорилар		Чақалоқда гипогликемия
НЯҚВ	Индометацин	ductus arteriosusни вақтидан олдин ёпилиши, некрозланувчи энтероколит, чақалоқларда упка гипертензияси
Простагландинлар аналоги	Мизопростол	Синдром Moebius синдроми, бола олдириш/тушиши, туғрук фаолиятининг индукцияси
Тобеликни чакиравчи воситалар	Этанол	Фетал алкоголли синдром (пер- и постнатал ва пренатал ривожланишнинг кечикиши, МНС, юз хусусияти тузилишида аномалиялар)
	Кокаин	Ривожланишнинг кечикиши, ПОНРП,

		бачадон ёрилиши
системали тавсия қилинадиган ретиноидлар	Изотретиноин, этретинат	МНС, калла сүяги, юрак қон томир тизими ва бошқа ривожланиш аномалиялари
Жинсий гормонлар	Даназол ва бошқа андрогенлар	Аёл жинсли ҳомилаларнинг маскулинизацияси
	Диэтилстильбэстрол	Қин карциномаси, аёл ва эркак жинсли ҳомилаларнинг сийдик чиқариш тизимида нұқсонлар
	Диэтилстильбэстрол	Аёл жинсли ҳомилаларнинг маскулинизацияси
Седатив воситалар	Талидомид	Оёқ құлларнинг ривожланмаслиги ва ички аъзоларнинг нұқсонлари
Психоактив воситалар	Барбитуратлар, опиоидлар, бензодиазепинлар	Агар ҳомиладорлик охирида дорилар қабул қилинган бўлса, чақалоқлар абсененцияси.
Фенотиазидлар		Чақалоқларда терморегуляциянинг бузилиши, экстрапирамидал ўзгаришлар

Тератоген дориларнинг ёмон таъсири ўзгарувчан ва олдиндан башорат қилиб бўлмайди ҳамда уларни ҳомиладорларга тавсия қилиш кескин чегараланган ёки умуман тавсия қилинмаслиги керак.

Д категориядаги FDA таснифига кирувчи дорилар теротоген таъсирга эга, бироқ, айрим ҳолатларда ҳомиладор аёлларга тавсия қилиниши мумкин.

Д категориядаги ҳар қандай дориларни тавсия қилишдан олдин, шифокор кўрсатмаларни чуқур ўрганиши, даво давомийлигини чамалashi, барча самараларни эътиборга олиши, давонинг алтернатив усусларини кўриб чиқиши лозим. Барча олинган маълумотлар мижозга етказилиши ва шундан сўнг, маълумотга эга эканлиги ёзма олиниши керак.

Х категориядаги дорилар теротоген таъсири исботланган ва ҳомиладорларда уларни қўллаш мумкин эмас.

Тамаки

Тамаки чекиш ҳомиладорлик натижаларига кўп салбий таъсирлар кўрсатади ва кам вазни ҳомила туғилиши, бачадон ичидаги ҳомиланинг нобуд бўлиши, меъёрий жойлашган йўлдошнинг вақтидан олдин қўчиши, йўлдошнинг олдин келиши кузатилади. Гарчанд бу хавфли ҳолатлар ривожланиши сабаби охиригача ўрганилмаган бўлса ҳам, кўрсатилган ҳолатлар олдиндан умидсизликни чақиради. Тамаки чекиш ҳомиладорликоқибатига ижобий таъсир кўрсатмагани туфайли, ҳомиладор аёл бу заарли одатини ташлашга кўндириш учун барча чора тадбирларни кўриб чиқиши лозим.

Алкоголь

Фетал алкоголли синдром (ФАС), ҳомиладорлик даврида алкогол систеъмол қилган аёллар ҳомиласида патологиянинг клиник белгиларининг ривожланиш ҳолати кўп учрайди. ФАС микроцефалия, микрофтальмия, ривожланишдан орқада қолиш ва бошқа ривожланиш ҳамда МНС фаолиятида нұқсонлар бўлишига олиб келади. Алкогол истеъмол қилиш кенг тарқалган бўлиб, кўп аёллар ҳомиладорлар бўлишгача уни истеъмол қиласилар. Шу туфайли алкогол истеъмол қилиш хавфсизми, қанча истеъмол қилиш лозим каби масалалар актуал бўлиб қолмоқда ва ҳозиргача ҳомиладорлар учун қанча миқдор истеъмол қилиш хавфсизлиги

аниқланмаган. Демак ҳомиладорлик даврида алкоголь истеъмол қилиш мумкин эмас ёки кескин чегараланган бўлиши лозим.

Шифокор тавсиясиз бериладиган дорилар

Ҳомиладор аёлларда кўпинча шифокор тавсиясиз бериладиган дорилар бўйича саволлар пайдо бўлади. Улардан фойдаланиш бошқа, тиббий ходимлар тавсия қиладиган дорилар каби умумий қоидаларга бўйсунади.

Шу билан бирга енгил топиладиган ва мустақил равишда дориларни тез-тез қабул қилиниши, муайян муаммоларга сабаб бўлади. Айрим баҳоланишга кўра, 75% ҳомиладор аёллар ҳомиладорлигида қанақадир дориларни қабул қиласар эканлар. Афсуслар бўлсинки, тиббий ходимлар мижозлар қабул қиладиган дориларнинг ҳаммасини ҳам назорат қила олмайдилар. Шу билан бирга ушбу дориларнинг таъсири, гестация муддатига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, стероид бўлмаган яллиғланишга қарши воситаларни ҳомиладорликнинг эрта даврларида қабул қилиш мумкин, бироқ учинчи триместр учун қарши кўрсатмаларга эга.

Шу туфайли антенатал ташриф вақтида тиббий ходимлар мижозларга дориларни қабул қилиш, хавфсизлик чоралари хақида тўлиқ маълумот беришлари лозим.

Шифокор тавсиясиз бериладиган дорилар кўп бўлганлиги учун, бу бўлимда ҳамма дорилар хақида маълумот берилмайди, бироқ, эътиборга лойиқ иккита гурӯҳ дорилари кўриб чиқлади, булар: оғриқсизлантирувчилар ҳамда аллергия, шамоллаш белгилари ва йўталга қарши дорилар.

Тестлар

1. Какие специальные скрининговые исследования необходимо провести во время беременности:
 - а) анемия
 - б) иммунологическая несовместимость между матерью и плодом
 - в) скрининг врожденных пороков развития плода
 - г) скрининг синдрома Дауна
 - д) сывороточный α-фетопротеин
2. На чем основана клиническая диагностика пиелонефрита:
 - а) наличие лихорадки
 - б) боли в пояснице
 - в) общий анализ крови
 - г) дизурические явления
 - д) общий анализ мочи
3. Профилактика токсоплазмоза у беременных должна включать:
 - а) мытье сырых овощей и фруктов, включая зелень
 - б) достаточная термическая обработка мясных продуктов
 - в) использование перчаток при контакте с почвой
 - г) избегание контакта с больным токсоплазмозом
 - д) избегание контакта с фекалиями домашних животных
4. Основные принципы лечения эклампсии включают:
 - а) назначение внутривенно сульфата магния
 - б) снижение АД до 130/90
 - в) профилактика возникновения судорог
 - г) профилактика гемолиза и снижения количества тромбоцитов
 - д) при стабилизации состояния - родоразрешение
5. Какие препараты обладают тератогенным действием на плод?
 - а) тетрациклин
 - б) ампициллин

- в) алкоголь
- г) препараты лития
- д) метилдопа

6. Возбудители каких инфекционных заболеваний могут оказать тератогенный эффект на плод?

- а) вирусный гепатит
- б) краснуха
- в) грипп
- г) эпид. паротит
- д) ветрянная оспа

7. Какими препаратами необходимо лечить артериальную гипертонию беременных?

- а) эналаприл
- б) метилдопа
- в) гидralазин
- г) нефидипин
- д) бисопролол

8. Выберите наиболее подходящий к пре эклампсии симптомокомплекс:

- а) артериальная гипертония, отеки на ногах, белок в моче
- б) головная боль, сонливость, нарушение зрения
- в) боль в животе, тошнота, рвота
- г) полиурия, брадикардия, одышка
- д) гипотония, одышка, отек легкого

9. Объясните беременной женщине, какие осложнения может вызвать артериальная гипертония беременных:

- а) мертворождение
- б) преждевременная отслойка плаценты
- в) внутриутробная задержка развития плода
- г) предлежание плаценты
- д) инсульт

10. Объясните беременной женщине, какие осложнения может вызвать гестационный диабет:

- а) развитие преэклампсии
- б) пороки развития сердца у плода
- в) повышает вероятность развития послеродовых кровотечений
- г) крупный плод
- д) медленно прогрессирующую ретинопатию

Тестлар

1) Қандай махсус скрининг текширувлар хомиладор пайтида ўтказилиши зарур.

- а) Камқонлик
- б) Хомила ва она ўртасидаги иммунологик мослашмаслик
- в) Тұғма хомила ривожланиши нұхсонлари
- г) Даун синдроми скрининг текшируви
- д) Кон зардобининг альфа-фетопротеини

2) Пиелонефритнинг клиник ташхиси нимага асосланған

- а) Тана хароратининг кутарилиши
- б) Белдаги оғриқ
- в) Қон умумий текшируви
- г) Дизурия белгилари
- д) Сийдик умумий текшируви курсаткичлари

3) Хомиладорларда токсоплазмознинг олдини олиш учун

- а) Мева, сабзавот ва күкатларни истемол килиш олдинидан ювиш
- б) Гүшт махсулотларини пиширилгандай истемол Қилиш
- в) Тупроқ билан ишлаганда құлқоп кийиш

- г) Токсоплазмоз билан касалланган одамлардан узоқда бўлиш
- д) Уй хайвонлари нажаси билан контакта бўлмаслик
- 4) Эклампсияни даволаш тамоиллари нималардан иборат
- а) Магний Сульфат томир орқали юбориш
 - б) Артериал босимни 130/90 гача тушириш
 - в) Тутқаноқни олдини олиш профилактика усулари қулаш
 - г) Гемолиз ва тромбоцитлар сонини камашишини олдини олиш
 - д) Холат стабилашганда – туғдириш
- 5) Қайси препаратлар хомилага тератоген таъсир кўрсатади
- а) Тетрациклин
 - б) Ампициллин
 - в) Алкогол
 - г) Литий препаратлари
 - д) Метилдопа
- 6) Қайси юқумли касалликларнинг инфекцион чақиравчилари хомиладорга тератоген таъсир кўрсатади?
- а) Вирусли гепатит
 - б) Кизилча
 - в) Грипп
 - г) Эпидпаротит
 - д) Сув чечак
- 7) Хомиладорлада артериал гипертензияни қайси препаратлар ердамида даволаш керак?
- а) Эналаприл
 - б) Метилдопа
 - в) Гидралазин
 - г) Нифедипин
 - д) Бисопролол
- 8) Преэклампсияга қайси симптомлар бирикмаси тўғри келади?
- а) Артериал гипертония, оеқлардаги шиш, сийдикдаги оқсил
 - б) Бош оғриқ, уйқувчанлик, қўриш қобилиятини пасайиши
 - в) Қориндаги оғриқ, кўнгил айниш, қусиш
 - г) Полиурия, брадикардия, хансираш
 - д) Гипотония, хансираш, ўпка шиши
- 9) Хомиладор аелга артериал гипертонияни асоратларини тушунтиринг
- а) Бола ўлик туғилиши
 - б) Плацентани бевақт кўчиб тушиши
 - с) Хомила ривожланишининг секинлашиши
 - д) Плацентанинг тугрук йуларини бекитиб куйиши
 - е) Инсульт
- 10) Гестацион диабет асоратларини хомиладор аелга тушунтиринг
- а) Преэклампсия ривожланиши
 - б) Хомилада юрак ривожланиши нұхсонлари
 - в) Туғруқдан кейинги конкретишлар
 - г) Катта хомила

д) Секин ривожланадиган ретинопатия

Жавоблар: 1 – б,в,г; 2 – а,б,г; 3 – а,б,в,д; 4 – а,б,в,г; 5 – а,в,г; 6 – а, б, в, г,д; 7 – б,в,д; 8 – а,б,в; 9 – а,б,в; 10 – б,в,г.

Тузувчилик руйхати: Султанов С.Н., Касимов Ш.З., Султанов С.Н., Муратова Н., Садирова М.А., Юнусова А.В.

Учредитель: Ассоциация Врачей Узбекистана Издание выходит с января 2011 г. Ежеквартально	Уважаемые читатели, вы можете оформить подписку на наш журнал. ПОДПИСНОЙ ИНДЕКС ■ 917 - для индивидуальных подписчиков ■ 918 - для подписки предприятий и учреждений	Подписано в печать – 02.06.2011 г. Отпечатано в типографии ООО «DM NASHR SERVIS» Формат 60 x 84 1/8. Объем 19 п/л Тираж экземпляров – 805 шт. Ташкент, ул. Усмана Носира 91
--	---	--